



ҚАРДОШ ИККИ МИЛЛАТ ДЎСТЛИГИ АБАДИЙДИР



Баҳром АБДУҲАЛИМОВ, “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши раиси

Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳрида айрим фитначи кимсалар томонидан уюштирилган ноқонуний намоёнликлар нафақат Қорақалпоғистонда, балки Ўзбекистонда ҳам тинчликни издан чиқаришга қаратилгани, ўзбек ва қорақалпоқ халқлари ўртасида азалий дўстликка совуқчилик туширишга уриниш эканлиги олдиндан аён эди. Бунинг ижтимоий тармоқларда асоссиз, мантисиз, энгил-елни феик маълумотлардан қўриб турибмиш.

Халқ билан мулоқот қилиш мақсадида Президент Шавкат Мирзиёев 2 июль куни Нукус шаҳрига ташриф буюрди. Шу куни Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутатлари ва фаоллар билан учрашувда чиқиш қилиш орқали бу фитнанинг олдини олиш бўйича жуда тўғри қарор қабул қилинди. Унда XVII бобдаги 70-71-72-74-75 моддалар халқ хоҳиш-истаги билан ўзгармасдан, ўз ҳолида қолади, дейилди. Бу ўта доно хулоса бўлди.

Узоқ асрлар мобайнида ўзбек ва қорақалпоқ халқлари ҳақиқий оға-иничилик фазилатларига асосланиб, ўзаро муносабатларини шакллантириб келган. Бу икки қавм маънавий-руҳий яқинлигини белгилайдиган асосий омил ва маданиятлар муштараклиги, уларнинг ўзаро яқинлиги эди. Дарҳақиқат, тиллар яқинлиги диллар яқинлигига олиб келади. Маданиятлар бир-бирини бойитади. Қадимий маданият намуналари, умуммиллий қад-



Муносабат

риятлар, жондошу қондош бўлган ҳар икки миллат учун тарихий аҳамиятга эга аъёнлар шаклланди. Шу асосда иқтисодий ҳамкорлик, ягона иқтисодий макон, ягона мақсад вужудга келди.

Кейинги 5-6 йил ичида Қорақалпоғистонда юз берган ижобий ўзгаришлар жуда катта: кўндан-кўп янги корхоналар, обод шаҳарлар, қишлоқлар, маҳаллалар барпо этилди, Орол денгизининг қуриб қолган қисми ўзлаштирилмоқда, Янги Мўйноқ дунёга юз очди, Нукус шаҳри ободонлаштирилмоқда, қорақалпоқ тили, маданияти, санъати, таълим тизими, фани ривожига катта эътибор қаратилмоқда.

2022-2026 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудларини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш назарда тутилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан Янги Ўзбекистонда Янги Қорақалпоғистонни бунёд этиш йўлида амалга оширилаётган ислохотларни халқ билан бамаслаҳат ва биргаликда амалга ошириш муҳимдир.

Хулоса ўрнида, Нукусдаги воқеалар ташқи кучларнинг мафкуравий таъсири экан, унга қарши фақат теран ақл, оғир-вазминлик, соф тафаккур ва мустақил таҳлилий фикр юритган ҳолда тинчликни сақлаб қолиш зарур. Тинчлик энг олиёйиб неъматдир. Тинчлик ҳукм сурган юрда ривожланиш ва инсон қадрли улуг бўлади. Биз икки қардош миллатимиз, ўз-ўзимизга ҳеч бир ташқи куч раҳна солишига йўл қўймадик ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиз ҳисобланади.

ЭТНИ ТИРНОҚДАН АЖРАТИБ БЎЛМАЙДИ



Наримон УМАРОВ, Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси

Ўзбек ва қорақалпоқ халқларининг ўтмиши, тарихи, маданияти, қарашларини бир-бирдан айиришнинг ўзи мумкин эмас. Халқимизнинг “этни тирноқдан ажратиб бўлмайди” деган ҳикматли нақли худди шу икки элга нисбатан айтилгандай. Мана, неча асрлардан бундан беш ҳақ бўлиб ёнма-ён, ака-ука, опа-сингил, қуданда-анда ришталари боғланиб, бир макон – бир Ватан дея тинч-тотув яшаб келмоқдамиз. Тақдиримизни ҳам, келажакимизни ҳам биргаликда барпо этмоқдамиз.

Бироқ баъзи ғараз ниятли ёт кучлар мамлакатимизда олиб борилаётган конституциявий ислохотларни бир баҳона сифатида қўллаб, бузғунчилик ва айирмачилик бўлган асл никобини яширган ҳолда, сохта ахборотлар тарқатиш орқали жамиятни пароканда қилиш, давлатимиз томонидан олиб борилаётган бунёдкорлик сиёсатига бўлган ишончнинг сусайтириш, Ўзбекистоннинг ҳудудий яхлитлигига путур етказишдан иборат қабих мақсадларини амалга оширишга ҳар қандай чарча билан қўриқиб келишмоқда.

Содир этилган ташвишли воқеалар ҳар биримизнинг юрагимизда чуқур дард ва изтироб изларини қолдирди.

Бундай ҳаракатлар давлатчилигимизга, бирдамлигимизга, давлат раҳбарининг сиёсий иродаси билан олиб борилаётган кенг қўламли ислохотларга қарши қаратилганлиги бугун барчага маълум бўлиб бўлди.

Биргина Қорақалпоғистон мисолида айрим кўрсаткичларни айтадиган бўлсак, 2020 йил якуни бўйича Қорақалпоғистонда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялли даромад 3 баробарга ошган, сўнгги йилларда маҳаллий бюджетига қарийб 11 триллион сўм мабғаб йўналтирилди, 17 миңдан ортиқ оилага моддий ёрдам кўрсатилди, бирон-бир ҳудуд тенглаша олмайдиган қурилиш ишлари амалга оширилди, минглаб янги объектлар барпо этилди, болалар боғчалари, умумтаълим ва ихтисослашган мактаблар, олийгоҳлар, соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият ва спорт масканлари фойдаланишга топширилди. Буларнинг барчаси қорақалпоқ халқининг фаровон яшashi, хоҳиш-иродаси, мақсади, орзу-истакларини рўёбга чиқариш учун қилинган саъй-ҳаракатлардир.

Фурсатдан фойдаланиб, шу сивовий кунларда Қорақалпоғистонда рўй берган оммавий тартибсизликлар орқасида яхлит мамлакатда сепаратистик ғояларни тарқатишга қаратилган, аввалдан режалаштирилган, аниқ мақсадга эга муайян кучлар турганлиги, уларнинг мақсади – тинч аҳолининг ишончига кириб, фикрини чалғитиб, турли тартибсизликлар ва намойишлар орқали мамлакатимизда беқарорликни юзага келтириш эканлигини ўз вақтида англаб етган жамиятимизнинг барча вакиллари тинчликпарварлик, эзгулик, бирдамлик ғояси атрафида давлатимиз раҳбарини янада қўллаб-қувватлашга қақриб қоламан.

Тўйхат ўрнида

ДОНИШМАНДНИНГ ТЎҚСОНИНЧИ ДОВОНИ



Ақли одамлар фозил ва донишманд инсонларга эргашиб яшайди. Менинг оддийгина бир ижодкор сифатидаги беқиёс бахтим шундаки, турли йилларда Ибройим Юсупов, Тўлепберген Қайбергенов, Чингиз Айтматов, Расул Ҳамзатов, Эркин Воҳидов, Абдулла Ориповдек жажонга маълуму машҳур адиблар, Собир Камолов, Матқўб Шўшонов, Азизхон Қаюмов, Озод Шарафид-

динов, Иброҳим Ғафуров, Убайдулла Уватовдек атоқли алломалар, Қаллибек Камолов, Мадийр Худойбергенов, Олимбой Ражабов, Олимбой Примов, Тўли Матқаримов, Аминбой Тожиев, Аминбой Вафоев, Зокиржон Машрабовдек таниқли давлат ва жамоат арбобларидан дуолар олдим. Айниқса, таваллудининг тўқсонинчи довони устида турган донишманд оксоқол Зокиржон хожи Машрабов билан кейинги йилларда биргаликда бажарётган камтарона ишларимиздан кўнгил тўқ эканини яширмайман. Хўш, ўша ишлардан лоақал биттасини тилга олиб ўтгин, десалар бемалол айта оламан: Қорақалпоғистонда фонд бўлими хомийлигида “Бобур билимдонлари” танловни ўтказганимизда шоҳ ва шоир рубойларининг барчасини ёддан биладиган ўқувчилар борлиги маълум бўлди. Бир ўқувчи Бобур ҳазратларининг олтиншинчи ғазалини ёддан айтаётганида тўхташиб, раҳмат айтиб, диплом ва совғаларини бердик. Бу икки ҳодиса ҳам шунчаки, яъни ҳар куни учрайдиган феноменлар эмас.

БУГУННИНГ ГАПИ

КИМ КИМНИ АЛДАЯПТИ?

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Олимжон Ўсаровга очиқ хат

Яқинда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Олимжон Ўсаров ўз телеграм каналида Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг таклифига кўра, нуфузли бир муқофотга тавсия қилинган ёш номзодларнинг ижодий ишларини баҳолаш бўйича комиссияда қатнашиб, эътиборини тортган ҳолатлар бўйича ёшларга мурожаат йўлади.

Жумладан, айрим номзодларнинг кўплаб хорижий давлатларда бўлиб ўтган халқаро илмий конференцияларда қатнашиб, илмий мақолалар билан иштирок этгани ҳақида айтиб ўтди. Ҳатто, улар орасида 60 дан ортиқ илмий мақола ва тезисларидаги инновацион ва илмий ғоялари учун халқаро ҳам-жамият эътирофига сазовор бўлган, сертификат ва дипломлар билан тақдирланган талабалар борлигини алоҳида қайд этди. Аксарият номзодлар 18-25 ёшлилардир. Шундан сўнг ижтимоий тармоқларда бу видеомурожаатдаги фикрлар кўплаб муҳокамаларга сабаб бўлди.

ХўШ, АСЛИДА УСТОЗ ЖУРНАЛИСТ БИЛДИРГАН ЭЪТИРОЗЛАР АСОСЛИМИ? НИМА УЧУН ЁШЛАР ПУЛ ВА ВАҚТ САРФЛАБ ХОРИЖ НАШРЛАРИДА ЭЪЛОН ҚИЛГАН МАҚОЛАЛАРИГА ЕТАРЛИЧА ЭЪТИБОР БЎЛМАЯПТИ? БУ БОРАДА ЁШЛАРГА КЎМАК БЕРУВЧИ ҲУҚУҚИЙ НОРМАЛАР, ТЕГИШЛИ ЙЎНАЛИШЛАР КЎРСАТУВЧИ МАСЪУЛ ТАШКИЛОТЛАР БОРМИ?

Гап шу ҳақда кетганда халқаро миқёсда бу масалага қай даражада эътибор қаратилишига тўхталамиз. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Олий аттестация комиссияси интернет тармоқларида жойлашти-

рилган маълумотларга асосланган ҳолда куйида келтирилган “шубҳали” наشرларда мақолаларни чоп этишда эҳтиёкорликка риоя қилини тавсия этади. 2020 йилда Scopus халқаро маълумотлар базасидан чиқариб юборилган журналларга энг кўп ўзбек олимлари томонидан мақолалар юборилган. Жумладан, 2021 йилнинг апрель ойи ҳолатига 1500 дан ортиқ илмий наشرлар мазкур платформадан чиқарилган.

ЎзФА Математика институти директори ўринбосари Ғолибжон Ботировнинг таъкидлашича, **олий таълим тизимида қисқа муддатда мақола чиқартириш каби нотўғри талаблар бор.** Чунки ўз нуфузига эга журналга мақолани ўтказишга камида 3 ой вақт кетади. Тезликда мақола чиқариш илмий жараёни ўстирмайди.

БИРИККАН ЭЛНИ ҲЕЧ КИМ, ҲЕЧ ҚАНДАЙ КУЧ ЕНГА ОЛМАЙДИ

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон, Қорақалпоғистон халқ шоири, улуг инсон Ибройим Юсупов ва бошқа кўпгина қорақалпоқ ижодкорлари билан қадрдон бўлганлигидан жуда фахрланаман.

Ҳали собиқ шўро мафқурасининг кучли исканжасида юрган замонларда биз устоз шоир билан гоҳ Нукусда, Ақчақул бўйлариди, гоҳ Тошкентда, Дўрмон боғларида кўп марта учрашардик, адабиётимиз, халқимиз келажиги ҳақида ёруғ хаёлларга берилардик.

Сўхбатларимизда Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов ҳам иштирок этарди.

Шоирларнинг, ижод аҳлининг ўз Ватани, адабиёти, халқи ва унинг келажиги борасида кўп ёруғ орзулари бўлади. Бизлар сўхбатларимизда ҳали келажакда Ўзбекистон, албатта, мустақилликка эришади ва ўзининг бахтини топади, деб ишонардик.

Мен Ибройим оғанинг Зулфия опа, Шуҳрат ака, Асқад ака билан, айниқса, Миртемир домла билан қадрдон эканлигини яхши билардим.

Ибройим Юсупов ҳақиқий дўстликнинг куйчиси, ўз юртини, ўз халқини ўзбек халқидан айро кўрмайдиган, Ўзбекистонни она Ватан деб билган, оғир-енгил кунларда ҳам бирга бўлишни орзу қилган буюк ижодкор эди.

Мен шахсан унинг таклифи ва ёрдами билан "Шаҳриёр" ва "Маспошош" қорақалпоқ эпосларини ўзбек тилига ўғирдим. Ва улар халқимиз орасида машҳур бўлиб кетди. Мен Бердақ мукофоти билан тақдирландим.

Ибройим оғанинг халқларимиз дўстлиги, унинг келажиги ҳақидаги орзулари, тилаклари ҳали-ҳамон эсимда. У бир шеърини "Кўнгил – кўнгилдан сув ичар" деб номлаган эди. Ибройим Юсупов нафақат у, балки Тўлапберген Қайипбергенов, Кенесбой Каримов, Муратбой Низанов, Абулқосим Утепбергенов, Ҳасанбой Абдурахмонов, Бахтиёр Генжамурод ва бошқа қорақалпоқ ёзувчи ва шоирларининг асарлари ўзбек адабиёти хазинасига қўшилгани ва уни бойитгани бутун оламга маълумдир.

Қутилмаганда Нукусда бўлган нохуш воқеалар мени ҳайратга солди, даставвал ишонмадим. Ўзбек ва қорақалпоқ халқларининг азалий дўстлигига, қадр-қимматига шубҳа билан қарагучилар кимлар экан, деган савол туғилди. Тўғри, одамлар бир хил эмас, ҳаммининг нияти ҳам тўғри эмас. Энди узр сўрайман, бузғунчи кишилар ҳам бўлади. Улар вазиятнинг нозиклигидан фойдаланиб, одамларнинг кўнгилга ғулув солиш, улар тўғрисида нотўғри маълумотлар тарқатиш, йўлдан чалғитиш сингари ноҳўя ишлар билан шуғулланарди. Биз бундай низо солгувчи одамларга асло ишонмаслигимиз керак.



Мухаммад А.Али,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси,
Бердақ номидаги Қорақалпоғистон давлат мукофоти соҳиби

Қорақалпоғистон ҳаммиса давлатимиз раҳбари эътиборида. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Орол денгизи масаласи ва бошқа экологик муаммолар, Қорақалпоғистон қишлоқларидаги ҳаёт тарзини янада яхшилаш ҳақидаги ғамхўрликларини эл-халқ кўриб турибди, бундан дунё ҳам бохабар. Биз бунинг қадрига етишимиз керак, албатта.

Бир неча кун аввал Тошкентда Қорақалпоғистон адабиёти кунлари бўлиб ўтди. Мен бу байрамда иштирок этдим, чунки қорақалпоқлар менга жуда яқин. Уларнинг ичиди дўстларин кўп. Уларни мен ҳаммиса қадрлайман. Уларнинг ҳисобини санасам, анча саҳифани тўлдирарди.

Мен қорақалпоқ дўстларимга, жонанжон ва меҳнаткаш қорақалпоқ халқига мурожаат қилмоқчиман:

Дўстлар, айрим ғаразли кучлар конституциявий ислохотларимизга норозилик баҳонасида тажовузкорлик ва зўравонлик қилиб, жонанжон Ватанимизда вазиятни беқорор қилишга уринаётган ҳозирги мураккаб паллада ақл-идрок билан иш юритайлик. Кейинги пушаймон – ўзинга душман, деганлар. Мен қорақалпоқ халқига худди ўзбек халқига ишонганимдай ишонман. Олдимизда бизларни нурафшон кунлар кутиб турибди, азиз дўстлар!

Ҳозирги тарихий ўзгариш палласида юртимизда бундай нохуш воқеаларнинг юз бериши, албатта, бизларга ярашмайди.

Нукус шаҳрида содир бўлган норозилик намоёниши нафақат қорақалпоқ халқини, балки бутун республикамиз аҳолисини хавотирга солди.

Қорақалпоқ халқи танги, меҳнаткаш, янгиликни катта қизиқиш билан қарши оладиган халқ. Буни мен кўп йиллар Вазирлар Маҳкамасининг Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш комплекси мутахассиси, «Маҳалла» фонди республика бошқаруви раиси ўринбосари, кейинчалик эса Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси ўринбосари бўлиб ишлаганимда яққол англаганман.

Уша пайтлар фаолиятим тақозоси билан ҳар йили 2-3 бор Қорақалпоғистоннинг турли ҳудудларига борганман. Оналикни муҳофаза қилиш, маҳалла ҳаёти, шунингдек, сиёсий-ижтимоий ўзгаришларни амалга оширганнимизда ҳар бир қорақалпоқ одамлари биз билан бир сафда туриб, бу эзгу ишларнинг тезроқ амалга оширилиши учун кўмаклашган.

Айниқса, Орол фожиаси, у қолдирган асоратларнинг олдини олиш, бугун Оролбўйида яшовчи аҳоли талабларидан келиб чиқиб қандай ислохотларни амалга ошириш зарурлиги ҳақидаги истиқболли лойиҳаларимизда ташаббускор бўлишган.

Бугун жамоат ҳавфсизлигини бузишга уринаётган бузғунчи шахсларга қарши мардона туриб, вазиятни оқиллик билан ҳал этиш керак, деб ўйлайман. Бу борада Президентимизнинг Қорақалпоғистон халқига мурожаатида таъкидлаганидек,



Гавхар А.ЛИМОВА,
Каттақўрғон шаҳар ҳоқими,
Олий Мажлис Сенати аъзоси

ҳамжиҳат бўлиш, вазиятга нисбатан оқилона иш кўриш, турли ғаразли чақирқч ва ҳаракатларга берилмаслик зарур. Муҳими, қорақалпоқ халқи осойишталиги учун бирлашимиз керак. Зотан, бириккан элни ҳеч ким, ҳеч қандай куч енга олмайди.



Манзура САЛИМОВА,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг
Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси аъзоси

Қорақалпоғистонда рўй берган оммавий тартибсизликлар, албатта, ҳар бир фуқарони ўйлантириб қўйди. Шукрки, Юртбошимизнинг оқилона сиёсати туфайли тушунмовчилик барҳам топди, кўнгилсизликнинг олди олинди. Президентимиз Нукусда бўлиб, аҳоли вакиллари ва фаоллар билан сўхбатлашиб, вазиятга ойдинлик киритди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясини такомил-

лаштиришга қаратилган жараён бошланганидан буён кўплаб инсонлар турлича фикр-мулоҳазалар билдиришди. Ҳар ким ўз қарачи билан ўлчашга ҳамда баҳо беришга ҳаракат қилди. Аммо ривожланаётган мамлакатимиз Бош қомуси ўзгариш ва янгилашларга муҳтож эди. Чунки замон шиддат билан ривожланмоқда. Одамлар ўзгаришга ҳаважамиятдаги ўрнимизни янада мустаҳкамлаш учун бу жуда зарур. Моддаларда

акс этаётган турли мезонлар ҳам бугунги кун талабидан келиб чиқиб, белгиланган. Жараённи фуқароларга тушунтириш, уларга ўзгаришлар кириштириш сабабларини етказиш учун юртимиз бўйлаб, маҳалла ва ташкилотлар кесимида тушунтириш ишлари олиб борилди. Таклифлар йиғилди. Муносабатлар тинланди.

Конституция – бу халқ маҳсули. Фуқаролар хоҳиш-ихтиёрига биноан жараён ўз амалий ифодасига эга бўлади. Қардош элимизнинг истаги эса, албатта, устувордир. Шу сабабли ҳам рўй берган қутилмаган ҳалол ҳолат барчамизни ҳушёрликка чақирди. Чунки Ватанимиз тинчлиги, фаровонлигига кўз тиккан ғараз ниятли кимсалар пайдан фойдаланиб, нифоқ уруғини сочишга ҳаракат қилдилар ва, шукрки, бунга эриша олмадилар.

Шуни унутмайликки, кўп миллатли юртимизнинг бойлиги унинг ҳамжиҳатлиги. Уни кимлардир ёлғонлар билан барбод қилиш ёки тинчлигимизга раҳна солишига йўл қўймаслигимиз керак. Зеро, Юртбошимиз айтганларидек, "Янги Ўзбекистонни жонанжон халқимиз билан биргаликда қурамиз!"



Сирожддин РАУФ,
«Шарқ юлдузи» ва
«Звезда востока» журналлари
бош муҳаррири

юқорида таъкидлаганимдек, қора кучлар фурсатдан фойдаланиб қолишга уриниб кўришди. Яратганга шукрки, зулмат ҳеч қачон ёруғликни маҳв этолмаганидек, уларнинг чиркин ниятлари амалга ошмади. Тинчликсевар қорақалпоқ ва ўзбек туғишганлар бир тану бир жон бўлиб, вазиятни ўз кўлларига олишди. Бугунги таҳликали замонда огоҳлик, ҳушёрлик, тинчликни кўз қорачигидек асраб-авайлаш ҳар доимгидан-да долзарб эканини унутмайлик, азизлар.

ОЛАМ ЖАВҲАРИ

*Нафис гулдир тинчлик дегани,
Ўз ҳолича яшнамас демек.
Оталарнинг гапи пурмаъни:
"Тинчлик учун курашмоқ керак!"*

*Асли удир олам жавҳари,
Офтоб қадар ёл-ёруғ тилак.
Лекин қувинг зулматни нари,
Тинчлик учун курашмоқ керак!*

*Жангу жадал учра бу замин
Асрларга айланар ҳалак,
Хавотирда ололмайдими тин,
Тинчлик учун курашмоқ керак!*

*Не тонг, ақл етди қиёмга,
Аммо нафс ҳам отди ҳақалак.
Инсоф берсин бани Одамга,
Тинчлик учун курашмоқ керак!*

*Ахир, эллар бир тан бўлмади,
Одамийлик бўлсин муштарак.
Ёвуз иблис ҳали ўлмади,
Тинчлик учун курашмоқ керак!*

*Мавжуд экан дунёда токи,
Темир қалб ва темир замбарак,
Топталмасин аждодлар хоки,
Тинчлик учун курашмоқ керак!*

*Униб-ўссин меҳрага қониб,
Ота-она бағрида гўдак.
Келажак деб курашинг ёниб,
Тинчлик учун курашмоқ керак!*

*Пок ниятлар бўлғай ижобат,
Эзулик деб уради юрак.
Тинчлик эрур бебаҳо неъмат,
Тинчлик учун курашмоқ керак!*



Абдуқайом ЙЎЛДОШЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими

Қорақалпоқ эли деганда кўз олдимда бундан миллион йиллар муқаддам Ҳазар ва Орол денгизлари ўртасида қад ростлаган сарҳадсиз қақроқ дашт – Устюрт саҳроси кўз олдимда гавдаланаверади. Ва, албатта, чўл одамларига хос мард, шижоатли, меҳнатсевар, танти қорақалпоқ халқи.

Улуснинг кимлиги сафарда билинади. Бундан бир муддат бурун бир гуруҳ ижодкорлар қатори каминга ҳам XXI асрнинг йирик қурилиш майдонига айланган Устюрт текисликларига янги ҳаёт кириб келаятганига шохид бўлиш насиб этди. Қўриб ҳавасимиз келди, халқимиз иродаси, тафаккури, шижоати билан яратилаётган бундай мўъжизакор иншоотларда маҳаллий йигит-қизлар ўз заковатлари, билимлари билан ҳатто хорижлик мутахассисларни ҳайратга солган кўйи меҳнат қилмоқда эдилар. Корейс муҳандиси билан сўхбатлашганимизда, у ҳаяжонини яширмамасдан деди: "Қорақалпоқлар бизга қараганда кўламини кенгроқ олишаркан. Улар ҳар бир ишни миридан-сиригача билиб олишга интилишаркан. Мен билан ишлайдиган маҳаллий инженерлар бутун комплексни билишади, бутун лойиҳадан хабардор. Инженерлар-ку, майли, бир кунги инглизча биладиган бир оддий

қорақалпоқ ҳайдовчи менга қурилиш ҳақида маъруза ўқиб кетди. Ҳайдовчи-я! Бундай қарасам, бу масалада у мендан кўпроқ биларкан. Бунга ҳайрон қолмай бўладими ахир... Энг асосийси, қорақалпоқ ёшларининг кўзлари ёниб туради!"

Томчида қуёш акс этади. Ортиқча тавсиф на ҳожат, шу биргина мисолнинг ўзиёқ қорақалпоқнинг қандай эллигини кўрсатиб турибди-ку.

Қорақалпоқ билан ўзбекининг ўхшаш жиҳатлари жуда-жуда кўп. Ахир биз битта халқимиз. Баайни эт билан тирноқ. Эт билан тирноқни эса асло ва асло ажратиб бўлмайди.

Бугун, икки қадим-қадимдан илдишлари бир халқ орасига нифоқ солишга уринаётганлар бизнинг азалий, улугвор қадриятларимизга қарши боришга тинчликларини аниқ.

Умуман, одам баъзан бундай касларни тушунмай ҳайрон қолади: уларга нима етишмайди ўзи? Икки эл бир бўлиб, дўст-биродар, ога-ини, қариндош-уруғ бўлиб яшаётганини кўрлямаптиларми? Ахир, айниқса, кейинги беш-олти йил ичиди қорақалпоқ қардошларимиз яшаётган замин янада чирой очиб, у ёғи Нукусдан бу ёғи Мўйноқкача кишининг ҳавасини келтирадиган масканларга айланганлигини ҳаммамиз кўриб-билиб, ҳавас қилиб турибмиз-ку. Албатта, заҳматкаш қорақалпоқ эли бундан ҳам ортиқ тўқис-фаровон, муносиб яшашга ҳақли. Аммо бундай эзгу истакларга меҳнат ва яна меҳнат орқали эришилади, нифоқ оловини тутатиш, абадий қариндош-биродарлик ришталарига раҳна солиш билан эмас.

Ҳа, таассуфки, "демократия", "эркинлик" нибоблари остида яқин-узоқ хориждан ғоявий-моддий садақа олиб кун кўраётган кимсалар ҳали ҳам учраб турибди. Қўшнингнинг уйда жанжал кўтарилса, ич-ичдан қувонадиган бадхоҳлар ҳам етарлича топилади. Бирок бўладиган эл бундай касларнинг иғво-ғийбатига асло учмайди, ҳавойи эҳтиросларга берилмайди. Ит хураверади, улугвор қарвон ўз йўлидан оғишмай ўтаверади, улугвор мақсад манзили томон бораверади.

Бугун қорақалпоқ элига зимдан наштар урмоқчи бўлаётганлар, билиб қўйсин, бу огули наштар, аввало, ўзбекининг қалбига санчилади... Юртимиз етакчисининг шахсан ўзи Қорақалпоғистонда бўлиб, вазминлик ва жиддият билан масалани ҳал этганлиги эса қардошларимиз осмонда пайдо бўлган қора булут тезда тарқалиб кетишига қимил ишонч уйғотади бизда.



Илҳомжон ТЎХТАСИНОВ,
Самарқанд давлат чет тиллар институти ректори,
профессор

Мамлакатимизда халқ манфаатлари ва инсон қадрини улуглаш каби тушунчалар энг олий қадрият, дея қаралади. Давлатимиз раҳбари томонидан бу борада қатор оқилона ташаббуслар қилинмоқда. Шунингдек, "Инсон қадри учун" ғояси ҳамда ҳозирги ислохотларимизнинг бош тамойили бўлган "Инсон – жамият – давлат" деган ёндашуви Конституциямизнинг мазмунига чуқур синдириб, амалий ҳаётимизда бош қадриятга айлантирилиши зарурлигига алоҳида ургу бердилар.

Маълумки, шу кунларда мамлакатимизда муҳим сиёсий жараён – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш бўйича умумхалқ муҳокамаси давом этмоқда. Мана шу вазиятда айрим "Уддабуронлар" соддадил қардош халқимиз ҳисобланган қорақалпоқларнинг тинчлигига "тош отиш" ҳамда икки қадрдон халқнинг осойишта ҳаёт кечиршига "кўз олайтириш" каби чиркин ғоялар билан турли хил фитналар уюштирмоқда.

Таъкидлашим жоиз, асрлар давомида икки халқ ўртасида шаклланиб келган азалий дўстлик, биродарлик, қардошлик, қариндош-уруғлик, ўзаро меҳр-оқибатни йўқотмаслигимиз ва абадий асрашимиз лозим ва бу ҳар биримизнинг бурчимиздир. Жумладан, халқимиз фаровонлиги ва тинчлигини кўра олмайдиган айрим ғаламислар ташқаридан туриб турли хил тартиббузарликларни уюштирмоқда. Ундайларнинг қопқонига тушиб қолмаслигимиз ва огоҳ бўлишимиз керак. Тинчликдек олий неъматнинг қадрига етишимиз ва баъзи давлатларда бўлаётган вазиятлардан ҳулоса чиқаришимиз лозим.

"Айни вақтда тинчлик ва осойишталик, жамоат ҳавфсизлигини бузишга уринаётган ҳар қандай шахсларга нисбатан қонун доирасида қатъий чоралар қўрилади. Ўзбекистонда "Қонун – устувор, жиноятга жазо муқарар" деган қондан амалда таъминлаш учун барча куч ва имкониятлар етарли", дея алоҳида таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Бир сўз билан айтганда, юртимиз равнақи, халқимиз фаровонлигини сақлаб, ташқи томондан бўлаётган бузғунчи ҳаракатларга бирдамликка қарши туришимиз ҳамда энг катта ютуғимиз бўлган Ўзбекистонимиз тинчлигини асраш йўлида собитқадамликни йўқотмаслигимиз керак.

Бугунги тахликали, нотинч замон, ён-атрофимиздаги мураккаб вазият она Ватанимиз тақдирига янада улкан масъулият билан ёндашиб, кечиктириб бўлмайдиган стратегик қарорлар қабул қилишни тақозо этмоқда. Инсоният илмий-технологик даврга қадам қўйди. Жаҳонда кескин трансформация жараёнлари ва рақобат қураймоқда. Эртанги кунини ўйлаган халқлар ва давлатлар ўз келажиги ҳақида бугун ҳар қачонгидан ҳам жиддий бош котиришмоқда.

ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАР ТАЪМИНЛАНАДИ

Чинакам халқ мафқурасини, миллатнинг энг муқаддас орзу-интилишларини фақат унинг Бош ҳужжати – Конституциясида тўлиқ ифода этиш мумкин. Янгилаётган Конституция мамлакатимизнинг узоқ муддатли тараққиёт стратегиялари, умуман юртимиз ва халқимизнинг эртанги фаровон ҳаёти учун муқтадас ҳуқуқий асос ҳамда ишончли қафолат яратиши лозим.

Биз Конституцияни такомиллаштириш бўйича янги ва жуда масъулиятли босқичга қадам қўймоқдамиз. Янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича кенг қамровли ислохотларни бошладик. Энг муҳими, жамиятимиз уйғонди, одамларимиз янги фикрлаш, ишлаш ва яшашга интилоқда. Бугун мана шу демократик янгилашни жараёнлари янги раҳ ва шиддат бериш, ислохотларимизни янада чуқурлаштириш зарурлигини барчамиз яхши англаб турибмиз. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Конституцияси 20-моддасида “Фуқаро ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги шарт”, деб ёзиб қўйилган.

Дарҳақиқат, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари фақат қонун билан ва бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, шунингдек, жамоат хавфсизлигини ва тартибини таъминлаш учун зарур бўлган доирада чекланиши мумкин.

Янги қабул қилиниши мўлжалланаётган Конституциямизда илгари амал қилиб келган “давлат – жамият – инсон” тамойилини «инсон – жамият – давлат» деб ўзгартириш, уни миллий қонунийликнинг ва ҳуқуқий амалиётимизда мустаҳкамлаш зарурлиги белгиланган. Конституциямиз нормаларини ҳаётга тўла таъбиқ этиш, жамиятда қонун ва адолат устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, унинг қадр-қиммати янада самарали таъминлаш борасида жуда кўплаб ишлар амалга оширилмоқда.

Бундан ташқари, 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида “Қонун устуворлиги ва конституциявий қонунийликни таъминлаш ҳамда инсон қадрини ушбу жараённинг бош мезони сифатида белгилаш” 14-мақсад сифатида кўрсатилган. Унга кўра фуқароларнинг ҳуқуқларини чеклаш билан боғлиқ қараларни қўллашда қонунийликни сўзсиз таъминлаш вазифаси белгиланган. Конституциямизнинг 20-моддаси биринчи қисмида “давлат ва жамиятнинг” сўзлари “жамият ҳамда давлатнинг” сўзларига ўзгартирилмоқда ва фуқаро ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги шартлиги белгиланмоқда. 20-моддага киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар, биринчидан, «инсон – жамият – давлат» тамойилини амалга оширган ҳолда, ҳар бир инсоннинг жамиятда ўсиши ва унинг олдига мажбуриятлари борлиги тўғрисида бўлса; иккинчидан эса, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини муайян шартларда чеклаш мумкинлиги тўғрисидадир.

Жамиятда қонун ва адолат устуворлигини таъминлаш мақсадларига бошқаларнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилмасдан туриб эришиб бўлмайдиган. Шу сабабли чекловлар, яъни инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаши, фақат қонун билан ва бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, шунингдек, жамоат хавфсизлигини ва тартибини таъминлаш учун зарур бўлган доирада бўлиши мумкин. Мазкур норманинг Конституциямизда акс эттирилиши фуқароларимизнинг ҳуқуқларини ҳимояси ва хавфсизлигини таъминлаш учун муҳим аҳамиятга эга.

Хусусан, Конституциямизнинг 20-моддасига киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида белгиланган қоидаларга ҳамоҳангдир. Уларга кўра “ҳар бир инсоннинг жамият олдига мажбуриятлари бор, чунки айнан шу жамиятда унинг шахси эркин ва ҳар томонлама камол топиши мумкин”.

Амалга оширилаётган барча ислохотларимиз марказида инсон қадрини улуғлашга қаратилган эзгу гоя мужассам. Дарҳақиқат, инсон муносиб шарафга таълим-тарбия олиб, фаровон ҳаёт кечирган тақдирдагина, жамият ва давлат уйғунлигида барқарор ривожланади. Шунинг учун ҳам, бугунги кунда жаҳон миқёсида инсон ҳуқуқ ва эркинликларига, ушбу тушунчалар билан боғлиқ рейтинг ва стандартларга биринчи даражали аҳамият берилмоқда.

Инсон – давлат ва жамият учун мақсадга эришиш воситаси эмас, аксинча, ана шу мақсаднинг бош мазмуни ва манбаи ҳамда энг олий қадрият бўлиши лозим. Биз барпо этаётган Янги Ўзбекистон учун инсон қадри ва халқ манфаатини ҳамма нарсадан устундир!

Музаффар РАУПОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Қашқадарё вилоят суди судьяси

Фракция йиғилиши

ПЕНСИЯ ТАЙИНЛАШДА ИЖТИМОЙ АДОЛАТ ТАМОЙИЛЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда фракция аъзолари томонидан «Географик объектларнинг номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси конституциявий қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон тарихида чуқур из қолдирган шахслар, шу жумладан, жамоат ва давлат арбобларининг хотирасини абадийлаштириш мақсадида уларнинг номини географик объектларга бериш тартиби қонунийликда аниқ тартибга солилмаганлиги сабабли амалиётда географик объектларга (кўча, маҳалла, майдон, боғ ва аҳоли пунктларининг бошқа таркибий қисмлари) шахс номини беришда турли муаммолар келиб чиқмоқда.

Шунингдек, амалдаги қонунчиликда аҳолининг фикрини ҳисобга олиш, шу жумладан, фуқаролар томонидан географик объектларга ном бериш ташаббусларини илгари суриш тартиби назарда тутилмаганлиги боис, 2020 ва 2021 йилларда Тошкент шаҳрида жойлашган географик объектлар (энг аввало, кўча, маҳалла ва метро бекатлари)га ном бериш ва уларни қайта номлаш бўйича 40 дан ортиқ мурожаат келиб тушган бўлиб, улар “Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари тўғрисида”ги қонун талаблари доирасида қўриб чиқилиб, фуқароларга тушунтириш бериш билан қийофланаётганлиги қайд этилди.

Бундан ташқари, қонунчиликда географик объектларга Ўзбекистон тарихида чуқур из қолдирган шахсларнинг номини бериш мумкинлиги белгиланган бўлса-да, бундай шахсларни аниқлашнинг мезонлари назарда тутилмаган ҳамда шахслар исми-шарифини номи мавжуд географик объектларга бериш аниқ талаблар назарда тутилмаган. Ушбу ҳолат географик объектларнинг номлари қайта-қайта ўзгарилишига сабаб бўлаётганлиги таъкидланди.

Хорижий таърибга назар ташласак, масалан, МДҲга аъзо давлатларда (Россия, Беларусь, Қозғоғистон) таниқли давлат ва жамоат арбобларининг исми-шарифлари уларнинг вафотидан кейингина ва қоида тариқасида, номланиши мавжуд бўлмаган географик объектларга бери-

Инсон қадри янада улуғланмоқда

Шу кунларда Конституцияга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш юзасидан жойларда кенг қамровли тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилляпти.



Бу муҳим сиёсий жараёнларда “Адолат” социал-демократик партияси фаоллари ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари ҳам фаол иштирок этаёпти. Халқ билан учрашувлардан бири партиянинг Муборак туман кенгаши ташаббуси билан туман Ёшлар агентлиги биносида ўтказилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Махфурат Хушвақтова сўзга чиқиб, Янги Ўзбекистоннинг иқтисодий давлат сифатида тараққиёт этиши учун Конституцияга киритилаётган ўзгаришлар хусусида фикр юритди.

– Бугун давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан ислох этиш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш, оммавий ахборот воситаларининг ролини оши-

риш, аҳоли турмуш шароитини яхшилаш ҳамда мавжуд муаммоларни ҳал этишга хизмат қилувчи янги қонунларни ишлаб чиқиш ва амалдаги қонун талабларига мос равишда қўшимча ва ўзгаришлар киритиш борасида тизимли ишлар амалга ошириб келинмоқда, – деди депутат Махфурат Хушвақтова. – Мамлакатимиз иқтисодий тармоқларини трансформация қилиш ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш, амалдаги Конституцияни давр талаблари даражасига олиб чиқиш, яъни унинг тегишли боллар ва моддаларига ўзгаришлар киритиш ва қўшимчалар киритиш даврини ўзи тақозо этмоқда. Учрашувда депутат ва партия миз фаоли, сенатор Абдурахим Иркаев, Сенатнинг Мудофаа ва

хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Толибжон Мадумаров ва бошқалар томонидан Конституцияга ўзгариш ва қўшимчалар киритилаётгани хусусида кенгроқ тушуنча берилиб, қонун лойиҳаси ўқиб эшиттирилди. Саволларга жавоб берилди.

Тадбир давомида иштирокчилар томонидан билдирилган барча тақлиф ва мулоҳазалар умумлаштирилиб, Конституциявий комиссияга тақдим этишга келишиб олинди.

Худди шундай учрашув Миришкор тумани ҳокимлиги мажлислар залида ҳам бўлиб ўтди.

Қашқадарё вилоят кенгаши матбуот хизмати

Қонун лойиҳаси умумхалқ муҳокамасида

Пешку тумани ҳокимлиги мажлислар залида “Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси конституциявий қонун лойиҳаси муҳокама бўлиб ўтди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси Қобил Турсунов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутatlари Қодир Жўраев, Тавакқал Чориев, туман ҳокими ўринбосарлари, туман ташкилот ва корхона мутасадди ходимлари иштирок этдилар.

Тадбирда Қобил Турсунов томонидан иштирокчиларга “Инсон қадри учун” гояси ҳамда ҳозирги ислохотларимизнинг бош тамойили бўлган “Инсон – жамият – давлат” деган ёндашуви Конституциямизнинг мазмунига чуқур синдириб, ҳаётимизда бош қадриятга айланганлигини зарурлиги, яъни инсоннинг қадр-қиммати, шаъни ва ғурури бундан буён барча соҳаларда биринчи ўринда туриши кераклиги Бош қомусимизда ўз аксини топаётгани алоҳида эътироф этилди.

Учрашув давомида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутatlари Қ.Жўраев ҳамда Т.Чориевлар сўзга чиқиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Шунингдек, Конституция – бу истиқлол ва мустақил Ўзбекистон рамзи, ғурур-ифтихори, шу заминда истиқомат қилаётган, миллати, дини, ирқи, тилидан қатъи назар, барча учун мустаҳкам ҳимоя, фуқаролик жамиятимиз истиқболни аниқлаб берувчи дастуриламал ҳужжат экани билан бир қаторда, бугунги ислохотлар даврида уни ўзгариштириш қатъи эҳтиёт сезилаётганини алоҳида таъкидлашди.

Амин ХОМИДОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати ёрдамчиси



“ДАВЛАТ ҚОНУНЛАР АСОСИДА ҚУРИЛМАС ЭКАН...”

Сохибқирон бобомизнинг ўғити бугунги кунда ҳам қатта аҳамиятга эга

Конституция тинч, тўқин ҳаёт ва мамлакат тараққиётини белгилайдиган муҳим ҳужжат бўлиб, жамиятда муносиб турмуш кечирининг ҳуқуқий нормаларини акс эттиради. Бу нормаларнинг шиқ-пухта, миллий қадриятларимизга мос ҳолда бўлиши юртга, ўз ҳаётига бефарқ бўлмаган фуқароларнинг фаоллигига бевосита боғлиқ.

Мамлакатимизда умумхалқ муҳокамасига қўйилган “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг конституциявий қонун лойиҳаси бугун барчанинг эътиборида. Мазкур қонун лойиҳасини халқимиз қизгин муҳокама этмоқда, маъқулламақда. Бунда фуқароларимиз амалга оширилаётган ислохотлардан яхши хабардор эканини намойён этиб, ўзгариш ва қўшимча киритилаётган ҳар бир моддага ўз муносабати, тақлиф ва тавсияларини бераётгани қувонarli.

Конституцияга маълум даврлар оралиғида, ислохотлар жараёнида ўзгариш ва қўшимчалар киритиш дунё ҳамжамиятида кўп кузатилади. Бугунги кунда дунёда 500 дан ортиқ амалдаги Конституция бўлиб, улардан 200 га яқини мустақил давлатлар, 300 дан ортиги федерациялар субъектларига тегишли. XX асрнинг охириги ўн йиллиги ва XXI асрнинг боши дунё юриспруденцияси тарихига жаҳон ҳамжамияти вакиллари конституциявий тузумида конституциявий ислохотларнинг янги сифат босқичига чиқди, конституциявий дунёқарашда сифат жиҳатидан чуқур ўзгаришлар даври сифатида қиради. Хусусан, сўнги 30 йил ичида дунёнинг 100 дан ортиқ мамлакатиде конституциявий ислохотлар ўтказилди, 57 давлатда янги конституция қабул қилинди.

Хозирда дунёда дастлабки таҳрирдаги конституциялар даярли қолмаган. Энг қадимий ҳисобланган конституцияларга ҳам АҚШда 27 та туб ўзгаришлар, Норвегияда 200 мартадан ортиқ, Нидерландияда 24 марта ўзгариш киритилганлигини кузатиш мумкин.

Минтақамиздаги яқин кўнни-қардошларимиз ҳам кейинги даврда ўз конституцияларига бир неча марта ўзгариш ва қўшимчалар киритишни маъқул топишди. Марказий Осиё давлатлари ичида Қирғизистон энг кўп конституция қабул қилган мамлакат саналади. Ҳозирги кунгача мазкур давлатда тўрт марта (1993, 2007, 2010, 2021) янги конституция қабул қилинди. 1993 йилда қабул қилинган конституцияга кейинчалик 1996, 2003 ва 2006 йилларда ўзгариш ва қўшимчалар киритилган. 2007 йил 21 октябрда мамлакатда референдум йўли билан янги конституция қабул қилинди, бироқ бу қонун 2010 йилда янги конституцияга алмаштирилди.

2010 йилги Қирғизистон конституцияси давлат бошқарувида парламент ролини оширган ҳолда президент ваколатларини чеклади. Бу қонун 2021 йилгача амалда бўлди. 2021 йил 11 апрелда 114 моддадан иборат Қирғизистоннинг янги конституцияси қабул қилинди. Мазкур конституция билан президент ваколатлари кенгайтирилиб, парламент ваколатлари чекланди.

Қозғоғистоннинг амалдаги конституцияси 1995 йил 30 августда қабул қилинган. Конституция қабул қилинганидан буён шу кунгача унга тўрт марта қўшимча ва ўзгаришлар киритилган. Охириги ўзгариш 2017 йил 10 мартда киритилган бўлиб, унда асосан президент иктиврида бўлган ваколатларни парламент ва ҳукуматга ўтказиш билан боғлиқ ўзгаришлар кўзда тутилган.

1992 йил 18 майда қабул қилинган Туркменистон конституциясига 2008 ва 2016 йиллари ўзгаришлар киритилган. 2016 йилдаги ўзгаришлар президент сайловда галлаба қозонишда давом этса, ўз лавозимида номаълум муддатга қолишига имкон беради.

Шу нуқтаи назардан истиқлол туфайли республикамизда рўй берган демократик ўзгаришлар давомида мамлакатимиз Конституциясига хозирги кунга қадар 14 марта ўзгариш, тузатиш ва қўшимчалар киритилган. Чунинчи, ушбу жараён 1993, 2003, 2007, 2008, 2011, 2014, 2017, 2018, 2019 йилларда қабул қилинган қонунлар ҳамда 2002 йилда ўтказилган умумхалқ референдуми натижаларига кўра, амалга оширилди.

Ҳар бир давлат ўз истиқлол ва тараққиёт йўлини танлар экан, халқ фаровонлигини таъминлашга хизмат қиладиган энг муҳим мақсад ва вазифаларини ўзининг Конституцияси – Асосий қонунда мустаҳкамлаб олади. Бинобарин, ўз халқининг хоҳиш-иродаси, дили ва тилидаги эзгу ниятларига ҳамоҳанг Конституцияга эга бўлган мамлакат ўзи белгилаган юксак марралардан ҳеч қачон оғишмасдан, доимо олдинга қараб боради. Сохибқирон Амир Темур бобомиз “Давлат қонунлар асосида қурилмас экан, ундай салтанатнинг шуқуқи, қудрати ва таркиби йўқолади”, деб таъкидлаган эдилар. Шу нуқтаи назардан, Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш жамиятимиз аҳли интилаётган демократик ҳуқуқий давлатнинг бош мезони ҳисобланади.

Асосий қонунимизга киритилаётган янги ўзгариш ва қўшимчалар ҳар бир фуқаронинг онги ва қалбидан чуқур жой олган, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиқ қафолатлайдиган ҳақиқий ҳаёт қомусига айлантириши шубҳасиз.

Ҳалимжон ТОХИРОВ,
фахрий журналист
Андижон вилояти.

ЭЪЛОН “АДОЛАТ” СДП СИЁСІЙ КЕНГАШИ МАРКАЗІЙ АППАРАТИ Марказий аппарат Матбуот ва ахборот бошқармаси бошлиғи лавозими бўш иш ўринига танлов эълон қилади.

Номзодга қўйиладиган талаблар:
олий маълумот;
соҳада камидан 5 йиллик таърибга эга бўлиш;
давлат тилини мукаммал билиш ва унда иш юритиш;
инглиз ва рус тилларини билиш қўшимча устунлик беради;
масъулиятни хис қилиш, ташкилотчилик ва шахсий ташаббускорлик ҳамда креатив фикрлаш.
Танлов 2022 йилнинг 14 июль куні соат 11.00 да “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати биносиде ўтказилади.
Манзил: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Шарк тонги кўчаси 23-уй.
Мурожаат учун тел.: +998 97 748 04 11

Депутатлик гуруҳларида

ХАЛҚ ХИЗМАТИДА

2019 йилги парламент ва маҳаллий Кенгашлар сайловларидан сўнг ўз фаолиятини бошлаган халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари сафида "Адолат" СДПдан сайланган депутатлик гуруҳи қарийб тўрт йилдирки, сермахсул ишларни амалга ошириб, халққа беминнат хизмат қилиб келмоқда.

Бугунги кунда партиямиз вакиллари 11 нафардан иборат. Улар орасида кўзга кўринган фан ва давлат арбоблари, олим ва мураббийлар бор. Жумладан, Олий Мажлис Сенатининг фан, таълим, маданият ва спорт масалалари бўйича кўмити раиси ўринбосари Дилором Тошмухаммедова, Тошкент давлат техника университети ректори Садриддин Туробжонов, Тошкент педиатрия тиббиёт институти ректори Ботир Даминов, "Ёшлар" телерадиоканали директори Хусниддин Эргашевни санаб ўтиш мумкин.

Ҳар бир депутатимиз ўз касбий фаолиятдан ташқари депутатлик вазифасини ҳам сидқидилдан бажаришга интилиб келмоқда. Уларнинг жорий йилги фаолияти ҳам қизинг кечмоқда. 49-Жарарик округидан сайланган депутат Хусниддин Эргашев яқинда бўлиб ўтган халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдаги сессиясида ўз округида жойлашган "Шодлик" "Ибн Сино", "Жарарик", "Белтепа", "Катта Жарарик" маҳаллаларини ўрганиш жараёнида аниқланган 588- 229-мактабга таълим муассасаларининг абгор аҳоли, тинимсиз ёмғирлар натижасида синфдаги болаларнинг устига томчи ўтиб кетганлиги бўйича мурожаатларини олиб чиқди. Натижада мазкур масала сессия кун тартибига киритилди.

Депутат Кенгаш аъзоларига ушбу масалани ҳал этишда 229-сонли давлат мактабга таълим ташкилотининг том қисмини капитал таъмирлаш, узоқ йилларга чидамли (профнасть) материаллар билан қоплаш учун 950 миллион сўм, Шайхонтоҳур тумани "Беруний"

кўчаси 10-уй ҳовлисидаги болалар майдончасини замонавий ўйин ускуналари, спорт анжомлари, сунъий чим қопламаси билан жиҳозлаш учун 100 миллион сўм, "Ибн Сино" 2-мавзе "Шодлик" МФЙ худудида жойлашган 588-сонли давлат мактабга таълим ташкилотининг том қисмини капитал таъмирлаш учун 950 миллион сўм зарурлиги бўйича ўз таклифларини билдирди. Натижада депутат бошлаган ушбу хайрли ишга 2 миллиард сўм маблағ ажратилиши бўйича тегишли қарор чиқарилди.

Шунингдек, депутат Луиза Ҳикматова ўтган йиллар давомида Олмазор туманидаги кўп тармоқли поликлиникалар, яъни 14-15-17-оилавий поликлиникаларнинг зарур тиббий асбоб-ускуна ва жиҳозлари учун 2 миллиард сўм маблағнинг маҳаллий бюджетдан ажратилишида ташаббус кўрсатиб, бу бўйича халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши сессиясида тегишли қарор қабул қилинишига эришди ва ушбу поликлиникалар энг сўнгги замонавий тиббий-асбоб ускуналар билан таъминланди.

Жорий йилда эса депутат Л.Ҳикматова Олмазор туманидаги 194- ва 12- мактабга таълим ташкилотларининг тўлиқ капитал ва реконструкцияси учун зарур маблағ лозимлигини сессия кун тартибига олиб чиқди. Яқин кунларда бу бўйича ҳам тегишли қарор қабул қилиниши кутилмоқда.

Депутат Ботир Даминов Юнусобод туманининг «Увайсий», «Шоштепа», «Юртбод», «Ўзбекистон мустақиллиги» маҳаллаларида ҳамisha бепул тиббий кўриқлар ташкил қилиб келади. Шундай тадбирлардан бири 9 май – Хотира ва қадрлаш кунини муносабати билан ўтказилди. Унда маҳаллалар аҳолисига физиотерапия, пульмонология, травматология, ортопедия, нейрохирургия, гинекология ва хирургик касалликлар бўйича бепул тиббий хизматлар кўрсатилди.

Жорий йилда депутат Ташпўлат Матибаевдан "Файзиобод" маҳалласи худудидаги ички кўча ва йўлларни таъмирлашда ёрдам сўралганига жавобан депутат ушбу масалани ижобий ҳал қилди. Бугунги кунда ушбу кўчалар тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, "Файзиобод" замонавий маҳалла қиёфасига келтирилди.

Юқорида санаб ўтилганлар депутатлик гуруҳи фаолияти бўйича қилинган ишларнинг бир қисми, холос. Депутатлик гуруҳи аъзоларининг кундузи кундуз, кечани кеча демай олиб бораётган фидоқорона ишлари ҳали кўп давом этаяжак.

Меҳринисо БОБОНАЗАРОВА, Тошкент шаҳар кенгаши матбуот котиби

Таҳлил

ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш, аҳолининг барча қатламлари манфаатини самарали ҳимоя қилиш, айниқса, ишсиз, ижтимоий кўмакка муҳтож бўлган хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш қаратилган тизимли мулоқот механизмлари йўлга қўйилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 31 мартда қабул қилинган "Хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарориди ижтимоий аҳоли ва турмуш шароити оғир, ишсиз ва ижтимоий фаол бўлмаган хотин-қизлар билан "Аёллар дафтари"ни юритиш орқали ишлаш тизимини янада такомиллаштириш, уларни ижтимоий-ҳуқуқий, психологик, тиббий ва моддий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий судига "Аёллар дафтари"га киритилган хотин-қизларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ва маслаҳат бериш, ҳуқуқий маданиятини ошириш ҳамда уларни таълим ва зўравонликдан ҳимоя қилиш ишларини мазкур қарорда белгиланган тартибда амалга ошириш вазифаси юклатилган.

Ушбу қарорга кўра, ҳуқуқий ёрдам олишга муҳтож хотин-қизларга "маҳаллабай" сайёр қабул орқали ҳуқуқий ёрдам кўрсатилади.

Ана шундай ҳафталик сайёр қабуллар Навоий шаҳридаги "Жанубий", "Бунёдкор" "Чинор", "Ёшлик", "Фаровон", "Меъмор" "Ватан", "Чинор" ва "Хумо" маҳалла фуқаролари йиғинларида ҳамда Навбахор туманидаги "Ўзбекистон" ва "Ғужбоғтепа" МФИда бўлиб ўтди. "Аёллар дафтари"га киритилган 106 нафар хотин-қизларнинг мурожаатлари тинланди.

Навоий вилоят суди раиси ўринбосари И.Қасимов томонидан Навбахор туманидаги "Ўзбекистон" ва "Ғужбоғтепа" МФИда ҳуқуқий ёрдамга муҳтож 15 нафар хотин-қиз-

ларнинг мурожаати ўрганилди. Навоий вилоят суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати судьялари Г.Худойбердиева, И.Шоймардонова, Н.Расулов, Б.Шерматов ва Ф.Хамидов томонидан Навоий шаҳридаги "Матонат", "Жанубий", "Чинор", "Ватан", "Фаровон", "Ёшлик", "Хумо" ва "Меъмор" маҳалла фуқаролари йиғинларида 91 нафар хотин-қизларнинг мурожаатлари тинланиб, уларга тегишли ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди.

Мазкур мурожаатларнинг 25 тадан ортиғи суд-ҳуқуқ масалалари тегишли, қолган қисми эса ижтимоий-иқтисодий ва бошқа масалаларни ташкил қилади. Хусусан, алимент ундириш, мол-мулкни бўлиш, никоҳдан ажратилиш, оилавий ва уй-жой муаммоларига доир.

Суд-ҳуқуқ масаласига алоқадор иккита мурожаат бўйича тегишли ҳужжатлар тўпланиб, фуқаролик ишлари бўйича тегишли туманларо (туман) судига тақдим қилиниши лозимлиги тушунтирилди.

— Авваллари судьялар билан бундай учрашувлар деярли бўлмади. Бўлса ҳам расмийчиликдан нарига ўтилмас эди. Бугунги учрашувлар мен кўп йиллардан буён ҳал этилмаган муаммоларимга судьялар билан мулоқотдан сўнг ечим топдим. Шу каби учрашувларни тез-тез ўтказиб туришса яхши бўларди, — дейди Навбахор туманидаги "Ғужбоғтепа" маҳалласида яшовчи фуқаро Муқаддас Сунонова.

Навоий вилоятда "Аёллар дафтари"га киритилган хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш ва уларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш мақсадида ташкил этилаётган "маҳаллабай" сайёр қабуллар давом этмоқда.

Гулнафис ХУДАЙБЕРДИЕВА, Навоий вилоят суди судьяси

"ADOLAT" шарҳи

Ўзини ўзи банд қилишнинг қандай фойдали жиҳатлари бор?

Бугунги кунда 2022 йил 1 июнь ҳолатига кўра, Ўзбекистонда 1039 мингдан ортиқ ўзини ўзи банд қилганлар рўйхатга олинган.

Ўзини ўзи банд қилган шахслар — ўз ишини ўзи топиб, уни ўзи бажариш орқали даромад кўрадиган жисмоний шахслардир.

Маълумки, репетиторлар, энгагалар, сантехниклар, электрчилар, сартарошлар, курьерлар, автомобиль ювувчилари, хунармандлар, фаррошлар, тикувчилар, дастурчилар ва яна кўплаб касб эгалари ўзини ўзи банд қилувчилар бўлишлари мумкин. Энг асосийси, бу қонуний ҳамда фуқаролар учун жуда қулай фаолият ҳисобланади.

Бунинг фойдали эканлигига бир қанча сабаблар бор.

Ўйдан ишлашнинг қонуний имконияти. Ўзини ўзи банд қилганлар солиқ текширувлари, жарималар ва қонуний тадбиркорлик фаолияти бўйича айбловлардан қўрқмасликлари мумкин.

Тасдиқланган иш стажини ва пенсия. Ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг иш стажини кетаверади, шунинг учун кексаларда кафолатланган пенсия нақд деб ҳисоблаш мумкин.

Расмий даромад. Истеъмол кредитлари, имтиёзли қарзлар олиш, шунингдек, солиқ имтиёзларини қўллаш мумкин.

Минимал солиқ. Даромад солиғи ёки бошқа йиғимлар йўқ. Бир йилда БХМнинг 1 баравари миқдорда ижтимоий солиқ тўлаш қийин.

Ўзига ўзи ҳўжайин. Ўзини ўзи банд қилувчилар учун меҳнат шартномаси, раҳбар ва қатъий иш жадвали йўқ. Севимли иш билан хоҳлаган вақтда шуғулланиш ва бундан қонуний даромад олиш мумкин.

Мижозлар базасини кенгайтириш. Ўзини ўзи банд қилган шахслар юридик шахслардан пул ўтказиш йўли билан тўловларни қабул қилиш учун банкда осонгина ҳисоб очилари мумкин. Бундан ташқари, давлат рўйхатидан ўтказилганлик шериклар орасида ишончли уйғотлади.

Минимал ҳужжатлар. Ўзини ўзи банд қилганлар яқка тартибдаги тадбиркорлар сингари бухгалтерия ҳисобини юритиш, шисбот юбориш ёки солиқ декларациясини топиришлари шарт эмас. Даромад ва ҳаражатларни ихтиёр равишда солиқ иловасида тўғридан-тўғри кузатиб боришлари мумкин.

Мақсуд МУСТАФОЕВ, "Адолат" миллий ҳуқуқий ахборот маркази масъул ходими

Жиноятга жазо Муқаррар

Қинғир ишнинг қийини қирқ йилдан сўнг ҳам чиқади, дейди доно халқимиз. Афсуски, буни ҳамма ҳам бирдек ҳис қилавермайди. Ёки бу ҳаётини ҳақиқатни тан олишни истамайди.

"БИР ОЙДА КЕЛТИРИБ БЕРАМАН..."

Мирзо Улуғбек туманининг Сайрам кўчасида истиқомат қилувчи Дониёр Кабиров (исм-шарифлар ўзгартирилган) ҳам 2019 йилда қўл урган фирибгарлиги учун орадан икки йил ўтгач қонуний жазога тортилди. Гап шундаки, темир қувур маҳсулотлари савдоси билан шуғулланувчи фуқаро Абдухалил Узоқов 2017 йилда Дониёр билан танишиб қолади. Уша пайтда Д.Кабиров Олмазор туманидаги темир маҳсулотлари омборида ишларди. Шундан буён улар иш юзасидан гаплашиб, салом-алиқ қилиб юришган. 2019 йилнинг август ойида икковлон яна эски мавзуда суҳбатлашиб қолишади. Суҳбат асосида Дониёр А.Узоқовнинг кўп миқдорда, улгуржи нархда қувур сотиб олмақчи эканлигидан хабар топади.

— Ҳоҳласангиз, ўзим бир ойда келтириб бераман, сизга арзонга тушади, — дейди у.

Авалдан танигани ва олди-берди қилиб юргани боис Абдухалил ака унга ишонади, тақлифга рози бўлади.

2019 йил сентябрь ойининг бошларида А.Узоқов Яққасарой туманидаги "Сафо" тиббиёт клиникаси ёнида келтирилажак маҳсулот учун олдиндан 49.000 АҚШ долларини санаб беради. Лекин Дониёр бир ойлик муддат ўтиб кетса ҳамки ваъдасини бажармайди. Аксинча, гоҳ у, гоҳ бу ваҳини рўқач қилиб, харидорни лақиллатиб юраверади. Шу тариқа А.Узоқов беш ойгача — 2020 йилнинг март ойига қадар ҳам пулларини қайтариб оламайди. Фақатгина 2020 йил 1 март куни Дониёр ундан темир қувурлар етказиб бериш учун 49.000 АҚШ долларини олганлиги ҳақида тилхат ёзиб беради, холос. Бироқ шундан кейин ҳам олган пулларини қайтармайди.

Буни қарангки, Д.Кабиров 2019 йилнинг 10 ноябрь куни фуқаро Санжар Нурматовни ҳам чув туширган экан. Яъни, Санжарга ҳам арзон нархда, сифатли темир қувурларини бир ой муддатда келтириб беришни ваъда қилади фирибгар. Шу мақсадда Чилонзор тумани Бунёдкор шоҳкўчасидаги 17-уйнинг олдига унинг укаси Санъат Нурматовдан 25.000 АҚШ долларини олади. Аммо худди А.Узоқов сингари С.Нурматовни ҳам лақиллатиб юраверади. Қачонки, пулини қайтаришни талаб қилавергандан кейингина — 2020 йил 19 март куни чиндан ҳам Санъат Нурматовдан шунча миқдорда пул олганлигини тасдиқлаб, тилхат ёзиб беради. Берган ваъдаси эса ваъдалигича қилиб кетаверади.

Шундан кейин иккала жабрланувчи ҳам туман ИИБга ариза билан мурожаат қилишади. Натижада тилга олинган ҳолатлар юзасидан жиноят иши қўзғатилади. Жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туман суди Д.Кабировни Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан айбли деб топиб, қонуний жазога маҳкум этди.

Агар юқоридаги жиноят омилига назар ташласак, бунга ўхшаш ҳолатлар юзасидан жиддий чора-тадбирлар қуриш, яъни масалага дахлдор шахсларнинг масъулиятини, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ҳамда маданиятини ошириш лозимлиги аён бўлади. Қолаверса, Дониёр Кабиров сингари фирибгарларнинг тузоғига илтимаслик учун "Сув кўрмай этик ечма!" қабилади иш тутиш зарур. Айни ҳолатда жабрланувчилар фирибгар билан аввалдан таниш бўлганлари боис унга ишонишган. Аммо доно халқимизнинг "Ишонган тоғда кийик ётмас" деган нақлини ҳам унутмаслик лозим.

Санжар АБДУҒАНИЕВ, жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туман судининг судьяси

МИС ЎҒРИЛАРИНИНГ "МИСИ" ЧИҚДИ...

Темир йўлларни тўлиқ электрлаштириш орқали юк ва йўловчи ташиш сифатини ошириш, тезорар поездлар қатновини йўлга қўйиш ҳамда дизел ёнилғисига ҳаракатланаётган тепловозлар ўрнини замонавий электровозларга алмаштириш мақсад қилинган.

Афсуски, айрим фуқароларимиз томонидан темир йўлларга ўрнатилган қурилмаларга шикаст етказиш, уларни талон-тороғ қилиш ҳолатлари учрамоқда. Ҳодиса содир бўлган жойга чиққанлигим ва содир этилган жиноятнинг тафсилотларидан хабардор бўлганлигим сабабли бир ҳолатга тўхталиб ўтмоқчиман.

Ҳайратланарли томони шундан иборатки, жиноятни содир этган шахслар ўзларининг соғлиғи, ҳатто ҳаётини хавф остига қўйиб бу ишга кўл уришган.

Фахриддин (исмлар ўзгартирилган) 2015 йил май ойида жиноят ишлари бўйича Олмалик шаҳар суди томонидан ўғирлик жинояти содир этганлигида айбли деб топилса-да, берилган жазодан ўзига тегишли хулоса чиқариб олмади ва яна жиноят йўлини танлади.

2022 йил май ойининг бошларида Фахриддин Олмалик шаҳрида автомобилларни ювиш учун мўлжалланган жойда унга олдиндан таниш бўлган Шоҳруҳ ва Фурқат (исмлар ўзгартирилган) билан учрашиб қолишади, ўзаро суҳбат жараёнида Шоҳруҳ уларга темир йўл зинининг юқорисидан электр токининг симлари ўтганлигини, симлар мис эканлигини айтиб, мазкур мис симларни кесиб олиб сотиш ва мўмай пул ишлаб олишлари мумкинлиги ҳақида таклиф беради. Таклиф Фахриддин ва Фурқатда қизиқиш уйғотди, шунда Фурқат ундан: "Симларда тоқ бўлади-ку, қандай қилиб ўғирлаймиз, бундан ташқари, электр тоқи ўтган жой ердан анча баянда, қандай қилиб тепада турган симни кесиб оламиз", деб сўраганида, Шоҳруҳ унга "электрон болгарка" (металл жисмларни кесишга мўлжалланган асбоб) ёрдамида симни кесиб олиш мумкинлигини, бунинг учун узун ёғочга болгаркани скотч билан боғлаш зарурлигини, ўшанда уларни ток урмаслигини тушунтиради.

Жорий йилнинг 8 май кунидан 9 май кунига ўтар кечаси учовлон оғва чиқишади. Улар Фахриддин бошқарувидаги "Дамас" русумли автомобилда Тошкент вилоятининг "Озодлик — Охангарон" темир йўл бекатлари оралиғида жойлашган темир йўл яқинига келишади. Ўғирликни бирор-бир киши сезиб қолгудек бўлса телефон орқали хабар бериш учун Фахриддиннинг автомобиль йўли ёқасида транспорт воситаси билан бирга қолдиришади. Шоҳруҳ Фурқат билан бирга болгарка ва скотччи олиб темир йўл изига томон ҳаракатланади,

темир йўл изи яқинидаги дарахдан Шоҳруҳ тахминан 7 метрлик шохни болгарка ёрдамида кесиб олиб, унга скотч ёрдамида болгаркани маҳкамлаб боғлайди ва темир йўл изидаги икки бетон тўсиқлар орасидаги симни кесишга ҳаракат қилади. Юқори кучланишга эга бўлган электр симини болгарка ёрдамида кесмоқчи бўлганда Шоҳруҳни енгилгина электр тоқи уриб юборади. Натижада улар жиний ҳатти-ҳаракатларини ўзларига боғлиқ бўлмаган ҳолатда охирига етказа олмайдилар.

Шу ўринда таъкидлаш зарурки, бахтли тасодиф туфайли Шоҳруҳнинг ҳаёти сақлаб қолинади, ҳаттоки у тан жароҳатини ҳам олмайди. Аслида эса темир йўлдаги электр симларида 27 000 киловаттлик юқори кучланишга эга бўлган электр тоқи мавжуд. Агарда инсонни шу юқори кучланишдаги электр тоқи урса, аксарият ҳолларда ток урган инсон ҳаётдан кўз юмиши, ҳаёти сақланиб қолинганда эса бир умрга ногирон бўлиб қолиши мумкин. Мис ўғирлашга чиққан учовлон темир йўлда инсонларни ток урганлигини, натижада оғир оқибатлар келтириб чиққанлигини балки кўрмагандир. Лекин эшитган бўлишлари аниқ, Чунки Транспортда хавфсизлигини таъминлаш бош бошқармаси ва унинг қуйи бўлинмалари ходимлари томонидан топқориши билан боғлиқ бўлган бахтсиз ҳодисалар тўғрисида мунтазам равишда аҳоли ўртасида тарғибот ишларини олиб борилади. Қолаверса, темир йўлда электр тоқи узиллиши поездларнинг ҳаракатига таъсир этади, поездларнинг ҳаракат жадвали ўзгаришига, айрим поезд таркиблари темир йўл бекатларида соатлаб қилиб кетишига, натижада катта миқдордаги зарар келиб чиқишига сабабчи бўлади.

Учовлон дастлабки уриниш ўрдамидаги маганлигидан хафа бўлишмади, улар яна бир бор уриниб кўришга аҳд қилишди. Шу мақсадда жорий йилнинг 14 май кунидан 15 май кунига ўтар ке-



Бозорида килограммини 75 000 сўмдан пуллаб, даромадни ўзаро бўлиб олишади.


Ҳар бир ҳодисанинг якуни бўлганидек мис ўғирларининг ҳам жинояти ниҳоясига етди. Зеро, содир этилган жиноятни "иссиқ изи"дан очиб, жиноятчиларни ашёвий далиллар билан ушлаш мақсадида Транспортдаги хавфсизлигини таъминлаш бош бошқармаси ходимлари томонидан тезкор тадбирлар бошлаб юборилган эди.

Жорий йилнинг 26 май кунидан 27 май кунига ўтар кечаси Шоҳруҳ ва Фурқат яна темир йўл изидаги мис симни ўғирлаш мақсадида Фахриддин бошқарувидаги "Дамас"да "Ақча — Облик" темир йўл бекатлари оралиғидаги темир йўлга келишади. Илгари содир этган ўғирлиги каби болгарка ёрдамида электр симларни кесиб, симларнинг бир қисминини "Дамас"га ортитаётганида Транспортдаги хавфсизлигини таъминлаш бош бошқармаси ходимлари томонидан жиноят устида қўлга олинади. Автоматшана юкхонасидан 70 метр "М-95" маркали электр сими, болгарка ва икки дона болгарка тоши, 70 метр "М-100" маркали электр сими ашёвий далил тариқасида олинди.

Шу тариқа мис ўғирларининг жиноий фаолиятига чек қўйилди.

Шерзод ШОДМОНОВА, ИИБ Транспортда хавфсизлигини таъминлаш бош бошқармаси ўта муҳим ишлар бўйича терговчиси

КИМ КИМНИ АЛДАЯПТИ?



Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Олимжон Ўсаровга ОЧИҚ ХАТ

ИНТЕРНЕТАДАГИ ФИРИБГАР ЖУРНАЛЛАРНИНГ КАСОФАТИ КИМГА УРАДИ?

Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган фан ва инновациялар бўйича Миллий ҳисоботида “Ўзбекистон олимпари мақола чоп этадиган шубҳали журналлар” келтирилган. Хусусан, фарибгар журналлар уч турга бўлинади: 1) йиртқич (predatory); 2) ёлгон (fake) ва 3) ўғриланган (hijacked).

Йиртқич журналлар 1-2 ой ичида нашр қилиниши ваъда беради (баъзан эса – 4 ёки 5 кунларда); материаллар рецензияланмайди. Мақолалар барча фанлар бўйича ва ёмон таржимада ҳам қабул қилинаверади. Таҳрир хайъати аъзолари ҳақида батафсил маълумотлар берилмайди.

Ёлгон журналлар ўзлари (*Scopus* ва *Web of Science* маълумотлар базаларида индексланган), таҳрир хайъати аъзолари ва импакт фактор ҳақида уйдирма маълумотларни тақдим этади. Бунга мисол тариқасида жорий йилнинг 15 июль куни эълон қилинган Халқаро Дания конференцияси асосида илмий мақолалар тўпламига 200 нафарга яқин ўзбекистонликларнинг мақолалари берилган. Улар орасида бир муаллифнинг кетма-кет 4 та мақоласи чиқарилган. **Хар бир мақоланинг бир саҳифаси учун чоп этиш нархи 120 минг сўм.**

Ўғри журналлар (клоун журналлар) — киберфарибгарлик тури бўлиб, қайсидир бир таникли нашрнинг нусхаси ҳисобланади. Ушбу нашрлар тезда рўйхатга олинади ва бутун бошли мижозлар ал-

данган бўлиб чиққанида фош бўлади.

Бундан ташқари, телеграм каналларда 1 мақола нархи 65 минг сўм бўлган “ОБРАЗОВАНИЕ И НАУКА В XXI ВЕКЕ” халқаро илмий журнали, махсус акция доирасида ОАК томонидан тан олинган базаларда 100 фоиз индексланган “ORIENTAL RENAISSANCE: INNOVATIVE, EDUCATIONAL, NATURAL AND SOCIAL SCIENCES” номли миллий журналда 1 мақоланинг бир саҳифаси учун 65 минг сўмлик эълонлар берилмоқда. **Айрим илмий журналларда хар бир варағи учун 35-55 минг сўмдан олинапти.**

Ҳатто гуруҳ аъзолари учун махсус эълон чиқарилган бўлиб, фойдаланувчилар учун қисқа муддатда танланган соҳа ва мавзу юзасидан мақола тайёрлаш (республика ва халқаро нашрлар)га таклиф берилаяпти. Эътиборлиси, мақола барча тилларда ёзилади. Курсатилётган хизматлар орасида сифатли таржима, таҳрирлаш, конференция ва журналларга илмий ишингизни жойлаштириш каби кўплаб қўлайликлар мавжуд. Яқунда эса муаллифга мақолалар эълон қилинган ҳақидаги рангли сертификат, диплом берилди.

КАСАЛНИ ДАВОЛАШДАН КЎРА УНИНГ ОЛДИНИ ОЛГАН МАЪҚУЛ!

2020 йилда Россия Фанлар академиясининг Илмий тадқиқотларни сохталаштиришни ўрганиш бўйича комиссияси махсус ҳисоботни эълон қилди. Унда асосий эътибор таржима плагиати, ҳаммуаллифликдаги илмий мақолалар нашр этилиши мамлакат академиклари,

илмий ҳамжамият ва энди кириб келаётган ёшлар фаолиятига пугур етказиши танқид қилинган.

Бундан ташқари, 2013-2017 йиллар давомида Қозоғистон олийгоҳлари сохта журналларда мақолалар чиқариш бўйича етакчиликини эгаллаган. Ҳатто бу ҳақда интернет нашрларида “**Қозоғистон – “Йиртқич журналлар” даги мақолалар бўйича дунёда етакчи**” сарлавҳали мақола ҳам чиқарилган эди.

Хўш, Ўзбекистонда айнан бу борада тегишли чоралар кўриляптими? Ноқонуний хатти-ҳаракатларга қарши кураш олиб борилаяптими? Бу соҳага алоқадор ташкилотлар орасида Олий таълим вазирлиги, Фанлар академияси ва Инновацион ривожланиш вазирлиги биринчи галда жиддий кураш олиб бориш пайти келди.

Бўлмаса илмий соҳага энди кириб келаётган талабалар билиб-билмай интернетдаги турли “шубҳали” нашрларда мақолаларни чоп этишда давом этаверади. Бошқалар учун эса қанча иши осон битса шунча яхши. Бундан кимлар фойда кўради? Албатта, халқимиз эмас, ўртадаги воситачиларнинг чўнтаги пулга тўлади.

Ёшлар эса кўлида муҳри бор, фалон-фалон номлар билан чоп этилган сертификатлар, гувоҳномалар, тўпламларга талпиняверади. Бу ҳолатда уларни муттаҳам эмас, жабрланувчига ўхшатаман.

Бу ҳолат қачонгача давом этади? Аслида масаланинг моҳияти шу нуқтада эмасмикан?

Абдулазиз МУСАЕВ,
“Ёшлар кундалиги” газетаси шарҳловчиси

Ташаббус

Инсон кадрини улуглаш ва фаол маҳалла йили Давлат дастурида кам таъминланган, яқка-ёлғиз кексаларни ижтимоий ҳимоя қилишга кенг ўрин берилган. Мазкур йўналишда жуда кўп хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Бу эса меҳр-шафқат ва саховат каби олижаноб фазилатлар халқимизнинг қон-қонига синиб кетганлигидан далолатдир.

ФЕРМЕРЛАР САХОВАТИ

Юртимизнинг ҳамма ерида бўлганидек, айни вақтда Турақўрғон туманида ғалла ўрмиғими жадал давом этмоқда. Комбайнлар шиддат билан ишлаб, омборларга тонналаб ҳосил тўқилмоқда.

– **Ғаллакорларимиз бу йил 4880 гектар майдонда бугдоя етиштириб, давлат омборларида 14742 тонна ҳосил топширишга аҳд қилишган**, – дейди “Адолат” СДП Турақўрғон туман кенгаши раиси Захроҳон Аҳмедова. – **Ҳозиргача 91 та фермер хўжалигининг 38 тасида шартномавий режа бажарилди. “Ғайрат Ғолибжонович”, “Комилжон Турсунбой”, “Комилжон ота ЭОК”, “Ибрагим Ғолибжонович”,**

“Элназар, Эшназар” каби хўжаликларда 65-70 центнердан хирмон кўтарилди. Бошқалар ҳам тез кунларда зафар маррасига етиб келади.

Яқинда бир гуруҳ саховатпеша фермерлар ажойиб ташаббус бошлади. Улар кам таъминланган оилаларга ўз ихтиёрлари билан эҳсон ажратишга қарор қилди. Тумандаги 2322 та эҳтиёжманд оиланинг ҳар бирига бугунгача 150 килограммдан дон тарқатилди. Сектор раҳбарлари ва ҳоким ёрдамчилари бу ишга бош бўлиди.

Мисол учун, “Юқори Мўғултой” маҳалласида истиқомат қилувчи Жалолдин Топшўлатов

ғамхўрликдан биринчилардан бўлиб баҳраманд бўлди. Туман ҳокимлиги вакиллари 3 қоп бугдоя хонадонига олиб келиб берганларида, ич-ичидан қувонаётгани унинг юз-кўзларида акс этди.

Мастура Мўминованинг хурсандлиги эса севинч ёшларида сезилди. Чунки унинг 2 нафар ногирон фарзанди бор, ўзи «Аёллар дафтари»да туради.

Турақўрғонлик фермерлар ташаббуси бошқа туманларда ҳам кенг қўллаб-қувватланмоқда.

Нурбек АБДУЛЛАЕВ,
Наманган вилоят кенгаши
матбуот котиби

Яшил макон

САРОЙҚЎРҒОН

сўлим гўшага айланмоқда

Бугун она табииатни асраб-авайлаш, унинг жараҳатларига малҳам бўлиш, экологик таълим-тарбияни кучайтириш, экомаданиятни юксалтириш, келгуси авлодларга соғлом ва бой табииатни мерос қолдириш йўлида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Шу маънодаги жойларда янги дарахтзорлар, кўчатхоналар барпо этиш тупроқ унумдорлигини ҳисобга олган ҳолда худудлар климига мос манзарали дарахтларни маҳаллийлаштириш, худудларда “Яшил боғлар” ва “Яшил жамоат парклари”ни барпо этишга катта эътибор қаратилган.

Сув танқис бўлган ярим чўл худудларидаги яшил плантациялар нечоғли оғир меҳнат самараси эканлигини ҳис этиш қийин эмас. Нуробод туманидаги Саройқўрғон ўрмон хўжалиги жамоасини чин маънода табиат фидойилари ва шайдолари, десак арийди.

– **Хўжалигимиз тасарруфида яллов, тошлоқ, ўрмон ва бошқа тоифадаги 10 241 гектар майдон бор ва биз яллов, тошлоқ ерларни ўзлаштириш ҳисобига ҳар йили 350 гектаргача ерек ёнгоғи, pista, бодом экишни йўлга қўйдик**, – дейди хўжалик раҳбари Неъмат Ҳамроев. – **Кўчатхоналаримизда қрим қарағайи, можевельник, элдор қарағайи, шарқ арчаси ва эҳтиёждан келиб чиқиб, йилга 20 гектарда**

300-400 минг тул ىхота тутзорлар барпо этилади. Айни пайтда хўжалик аъзолари Самарқанд шаҳрининг Чўпонота массивида шарқ арчаси, можевельник, айлан, қайроғоч, виргин арчаси, шумтол, бодом каби манзарали дарахт кўчатлари экиш ишларида иштирок этишапти.

Дарҳақиқат, Саройқўрғон жамоаси ўлкамизни боғроқларга, ўрмонларга бурқаш учун астойдил интиломоқда. Улар етиштириётган ёш ниҳоллар дарахтзорларга асос солинишидан дарак беради. Шуниси диққатга сазоворки, ўрмончилар pista, бодом сингари ноёблашми бораётган дарахтларни кўпайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратишмоқда. Жорий йилда ҳам бу ишлар давом эттирилмоқда. Ҳосилга кириб қолган pistaзордан жорий йилда 20 000 килограмм ҳосил олиш режалаштирилган.

Ўрмонда сайр қилар эканмиз, турли-туман ўсимликлар, шифобахш гиёҳлар, хашаротлар, сайроқи қушлар бу ерни ватан тутганига амин бўлдик. Агар табиат ҳимояга олинса, эътибор қаратилса, албатта, тикланишига, бор неъматларини инсонга бахш этишига яна бир қарра ишонч ҳосил қилдик. Бунга эришиш учун эса ҳар биримиз фаол бўлишимиз, табиатни севишимиз зарур.

Ориф ХОЛИҚҲУЛОВ,
“Adolat” мухбири

Таҳририятдан

“НЕГА ХОТИНИНГГА КАЛИШ ОЛИБ БЕРМАДИНГ...”

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси Олимжон Ўсаров нуфузли мукофотга тавсия қилинган ёш номзодларнинг ижодий ишларини баҳолаш хайъатида иштирок этиш жараёнида ўзи дуч келган кингирликлар, кўзбўйамчиликлар, сохтагарчиликлар ҳақида кўйиниб гапирганида, аслида кўпчилигимизнинг дилчимиздаги оғриқли мулоҳазаларни тилга олгани рост. **Зеро, кейинги беш-ўн йил ичида қайси катта-кичик танловга борманг, албатта, таниш чехраларга дуч келасиз. Бундай номзодлар у танловдан чиқиб, бунисига ошқинишни, йўл-йўлакай кейингисига ҳам чангала ташлаб кўйинишни билиб турасиз.** Умуман олганда, сўнги пайтлари мана шундай совринпараст, дипломпараст, нишонпараст ёшларнинг ўзига хос қатлами пайдо бўлганлиги ҳам кўпчилигимизга аён-қу.

Аммо Олимжон Ўсаровнинг чиқишидан кейин бу борада энди жиддий ўзгаришлар юз беради, ҳаммаси жой-жойига тушиб кетади деб бекорга хомтама бўлган эканмиз. Ҳалиям ҳаммаси боғия-боғия, бой отамнинг таёғи. Юқорида эътиборингизга хавола этилган “очик хат” эса бу фикримизнинг исботидай гўё.

Хатни ўқигандирсиз. Нима эмниш, “Ёшлар эса кўлида муҳри бор, фалон-фалон номлар билан чоп этилган сертификатлар, гувоҳномалар, тўпламларга талпиняверади. Бу ҳолатда уларни муттаҳам эмас, жабрланувчига ўхшатаман!”. Ёпирай, қилар ишни қилиб кўйган устомонларини энди “жабрланувчи”, аслида мусичадай беозор, бузокнинг хаки бор деб сиз сизини ичмайдиганлардан булар, дейимизми? Балки уларнинг олдида узр ҳам сўрашимиз керакдир хали... Нима, худо кўрсатмасин-у, бир ёш бировни пичоклаб кўйса, “Бу асло айбдор эмас, ахир, нима қилсин бечора, дўкон тўла пичок бўлса...” дейимизми...

Ахир Журналистлар уюшмаси раиси Олимжон Ўсаров ўз чиқишида мукофот учун талашиб-тортишаётган ёшларга боғлиқ бўлган муаммолар айбдорлигининг сувдан юзага чиқиб турган қисмини айтиб ўтди, холос. Нима, бу “номзод”лар ўз-ўзидан, осмондан “тан” этиб тушгандай пайдо бўлиб қолибдими танловда? Кимлардир уларни тайёрлаган, кимлардир керакли қозғоғлар билан таъминлаган, кимлардир... Балки “очик хат” муаллифи “Бундан кимлар фойда кўради? Албатта, халқимиз эмас, ўртадаги воситачиларнинг чўнтаги пулга тўлади”, дея илдоқ қилаётганида аслида кимларни назарда тутаяётганлигини очикроқ айтса яхши бўлармиди? Ахир номзодлардан бири ўз тавсиянома-сида ҳеч уялмасдан “Фалон йили “Олтин қалам” миллий мукофотини олганман”, деб ёзаркан, Агентлик мутасаддилари учун бу фактни текшириб кўриш унчалик қийинчилик тўғдирмас...

Албатта, эътироф керак. Аммо бу муҳим жараён “отўйин”га айланиб кетмаслиги, ҳаммаси адолатли, шаффоф

амалга оширилиши – ҳеч бўлмаса тилга олинган ҳолатда – айнан Ёшлар ишлари агентлиги томонидан тўлатқис назоратга олиниши шарт эмасми? Акс ҳолда, ишонверинг, бундай тақдирланишларга мазохўрак ёшлар қатлами – ўзимизга таниш “Мен сендан камми?!” қабилида – ортса ортадик, асло қамаймайди. Энг ёмони, бундай йўллар билан эътирофга эришган ёшлардан эрта-индин улугвор ишларни кутиш қисир сизгидан эгиз буюк кутиш билан баробар бўлиб қолади. Чунки **бундай ёшларнинг бор-йўқ кўлидан келадикини ниши – унвон-сертификатини кўз-кўзлаб имтиёз талаб қилиш, “кўтарилиш”га уриниш бўлиб қолади. Бундай ёшлар ўзларининг ҳаётларини ёлгон, алдов, майда манфаатларга қурбон қиладилар. Шу ўринда бештиёр Чеховнинг “Анна на шее” ҳикоясидаги давлат берадиган бир тунука нишон учун имонини ҳам сошишга тайёр манфур қимса ёдга тушади...**

Муаллиф “ОЧИҚ ХАТ” ниҳоясида “БУ ҲОЛАТ ҚАЧОНГАЧА ДАВОМ ЭТАДИ? АСЛИДА МАСАЛАНИНГ МОҲИЯТИ ШУ НУҚТАДА ЭМАСМИКАН?” деган хулосага келади. Албатта, ҳамма кўриб-биллиб турган воқеликни салкам “Эврика!” шаклида тақдим этиш муаллифга хавола. Аммо бизни ниҳоят бу муаммодан хабар тошган, жумладан “ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ҚИСКА МУДДАТДА МАҚОЛА ЧИҚАРТИРИШ КАБИ НОТЎҒРИ ТАЛАБЛАР БОРЛИГИНИ” БИЛГАН ЁШЛАР ИШЛАРИ АГЕНТЛИГИ ҚАНДАЙ ЙЎЛ ТУТАЁТГАНИ ҚИЗИҚТИРАДИ. (Бироқ бу борада муаллиф қўпм қайғурмаса бўларди, чунки баъзи танловларда тақдим этилаётган сертификатлар интернетдан сканер қилиб олинган бўлиб, исм-фамилиялар уқувсизлик билан бўлса ҳам ўзгартирилган, холос). АГЕНТЛИК ЎЗ ТАКЛИФИ, ЛОЗИМ БЎЛСА ҲАҚЛИ ТАЛАБИ БИЛАН ТЕГИШЛИ ТАШКИЛОТЛАРГА ЧИҚДИМИ? ЁШЛАРНИ СОХТАКОРЛИККА, АЛДОВГА ДАЪВАТ ЭТАЁТГАН ТИЗИМ НИҲОЯТ БАРҲАМ ТОПАДИМИ? ЭНДИ НИШОНПАРАСТЛАР ЭМАС, ҲАҚИҚИЙ ИСТЕЪДОДЛАР РАҒБАТЛАНТИРИЛИШИГА ИШОНСАК БЎЛАДИМИ?.. Афсуски, бу саволлар ҳозирча очик қолмоқда...

Юқорида эътиборингизга хавола этилган “Очик хат” эса бизга машҳур латифани эслатди: ўғирлик устида кўлга тушиб қолган Афанди ўзини ушлаган одамга: “Нега хотинингга қалиш олиб бермадинг?” деб дўк уришга тушган экан...

Ха, мен не дейман-у, кўбизим не дейди...

ТАҲРИРИЯТ

Тадқиқот



Мобил телефонлар қон босимини ошириши ва миани қиздириши исботланди. Кўпчиликка маълумки, мобил телефонлар ўзидан мия тўқималарини емирадиган, асаб тизимини бузадиган, кўриш қобилиятини ёмонлаштирадиган ва иммунитетни заифлаштирадиган зарарли нурланишни чиқаради. Италиялик шифокорлар қўл телефонининг инсон организмга таъсирини ўрганиш бўйича

тадқиқот ўтказиб, уяли алоқа воситаси орқали суҳбат давомида одамнинг қон босими ўртача 5-10 мм.га кўтарилишини аниқлашди. Бундай қон босими кўтарилиши, айниқса, кекса ёшдаги одамлар учун жуда хавфлидир. Украиналик олимлар ҳам мобил телефонларни тест синовидан ўтказишган ва уяли алоқа воситаларидан чиқадиган нурланиш инсон мияси ҳароратини оширишини исботлашган.

Тадқиқот инсон боши шакли кўринишидаги махсус идиш ёрдамида ўтказилди. Унинг ичида суюқлик бор эди. Олимлар телефонни идиш қулоғига яқин туттиришди, бу унинг инсон организмга таъсирини ўлчам имконини берди.

Аммо кўплаб олимлар мобил телефоннинг инсон саломатлигига таъсири ҳақидаги бундай хулосага шубҳа билан қарашди. Улар яқуний тўхтама келиш учун тадқиқотларни ўнлаб йиллар давомида ўтказиш керак, деб ҳисоблашади.

Шунга қарамай, шифокорлар қўл телефонда гаплашганда эшитиш мосламасидан фойдаланишни ва суҳбатлар орасида ярим соатлик танаффус қилишни ва уйкуга ётишдан олдин мобил телефонни ўчириб қўйишни тавсия этишади.

“ХАР КИМ ЎЗИДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ ГАПИРАДИ

Хикмат

Тулқи дарёнинг нариги қирғоғида турган туядан сўради:
– **Сув сатҳи чуқур эмасми?**
Туя жавоб берди:
– **Йўқ, елка баробар.**
Тулқи ўзини суега отган эди, дарё чуқурлигидан уни домига торта бошлади. У гоҳ сув ичига ғарқ бўлиб, гоҳ типирчилаб зўрга бошини сувдан чиқариб, аранг бир тошга тирмашиб жонини сақлаб қолди.
Кейин хансирганча туяга бақирди:
– **Сен дарёни елка баробар, демаганмидинг?!**
Туя яна хотиржам жавоб берди:
– **Ҳа, шундай, лекин у менинг елка баробар-да!**
Қиссадан ҳисса:
Кимдандир маслаҳат сўрасангиз, у фақат ўз ҳолатидан келиб чиқиб маслаҳат бериши мумкинлигини ҳисобга олинг!

ДОНИШМАНДНИНГ ТЎҚСОНИНЧИ ДОВОНИ




1 Ёрқин хотиралар ҳамisha фикр-лашга, хулоса чиқаришга ундайди. Бундан 40 йил муқаддам Нукуснинг осуда оқшомида атоқли қалмоқ шоири Довуд Қўлтулов(қаймоқли шеърлари учун у киши ва бизларнинг Шукрулло домла китоблари чиқмасдан Ёзувчилар уюшмаси аъзоси бўлишган)нинг қадрига бўлган дўстлари Ибройим Юсупов, Чингиз Айтматов, Мустай Карим ва Расул Ҳамзатов иштирок этган гурунгда мен чой кўтариб кирганимда шундай деган эди: "Мен ҳам азиз дўстим Ибройимга ўхшаб халқимнинг феълли ҳамда орзулари каби кен саҳрода яшайман. Бизларни Пушкин "друг степей", яъни, "сахро дўсти" деб атаган. Саҳрода ўтган ҳар бир йилимни бир довон деб ҳисоблайман. Ҳар довонга кўтарилганимда ортимага бир ўғирлиб қарайман. Ва Аллоҳга шукрона айтаман. Зеро, Барнаул ва Норильск турмаларининг бир тутам куёш нури йўқ қамераларида ётганимда ўз саҳромни роса соғинганман-да. Энди биз тинчлик замони ва донишмандлик довонидамиз. Сен, Расул, Чингиз Тўрақулловича Байрур даҳан туриб ёзган шеърингда юз қаррадан ҳақсан: бу замонда нафақат фаластинлик ва исроиллик биродарларимиз, балки барча халқлар бир-бирига кўл бериб, юксаклик довомига чиқиши шарт. Шу довонда туриб халқларимизга ҳол-ҳаётимизни айтишимиз керак!"



бор экан, хаканлик Қаландар оқсоқолнинг моли ҳам, жони ҳам омон қолди. Моли деганимизнинг боиси зилзила юз берган сана, яъни туманли 3 октябрь тонгида оқсоқолнинг совлиги икки қўзи туғди. Кейинчалик ўгли Машрабон туғилганида икки қўрдан бирини сўйиб, маҳалла-қўйга ош берди. Нашвати ва узум гарқ пишган кунлар эди. Келганлар "Бобурнома" да мақталган мевалардан топдилар. Қаландар оқсоқол Андижоннинг обрўли одамларидан бири эди. Тараққийпарвар жамоат арбоби Обиджон Махмудов Андижонга келиб: "Бизга илм ҳам, еримиз остида қайнаб ётган қимматбахо қорамой ҳам керак. Аммо бу илмни эгаллаш, бу қонларни очиши керак бўлган ёшларни далил тарбиялайлик!" деганида шаҳар думаси раиси ўринбосари бўлган бу хушсурат одамнинг рўбарўсида турган эди. Водий жадидлари ҳомийси бўлган бу кишининг сўзлари Қаландар оқсоқолнинг оромини ўғирлади. Бутун кучини ўгли Машрабонни маърифатпарвар қилишга сарфлади. "Илм ол ва илмлилар билан бирга бўл!" деди Қаландар ота Машрабон акага. Йиллар ўтиб шўро муаллими бўлган Машрабон ака бу олтин сўзларни ёш Зокиржонга айтди. Ўғил отанинг сўзини васият деб қабул қилди.

Дунёнинг ишлари қизиқ; олис Смоленск губерниясининг Дубровка деган қишлоғида туғилди, қисмат қуюни билан Туркистонга келган Олег Рижковга айнан буюк Ғалаба мақсадлари учун



"қора олтин" сув билан ҳаводек зарур бўлганида Андижон заминидан "Жанубий Оламушук", "Полвонтош" нефть қонларини кашф қилади. 1949 йили у Ўзбекистон ФА Геология институтига номзодлик, 1959 йили докторлик диссертацияларини ёқлайди. Олег Александрович Зокиржонга "Мен сени биноидек геолог олим қиламан!" деди ва сўзининг устидан чиқди. У нафақат З. Машрабов, балки Р.Ибрагимов, В.Шейн, А.Умаров, К.Эргашев, Ш.Йулдошевларни соҳанинг етакчи олимларига айлантирди.

— Мен миллатимизнинг буюк фарзанди, жаҳон геология фанининг зорларидан бири, замонамизнинг зарбардаст алломаси бўлган Ҳабиб Абдуллаевдан рўшнолик кўрган одамман, — дейди Зокиржон ака Машрабов. — Аспирант чоғида илмий даргоҳ етакчиси, улкан олим Иброҳим Ҳамробоев Ҳабиб Муҳаммадовичнинг хузурига юборган. Ҳабиб ака бошланам йўқлигини эшитиб, дарҳол академик Обид Акрамхўжаевга кўнғироқ қилиб, "Шота Руставели кўчасида олимлар учун қурилган уйдан бир квартираси Зокиржон Машрабовга беринг. Ёш олим, Келусида эл юкнининг бир учини бакуват елкасига олса ажаб эмас!" деди. Собик иттифоқ геологиясининг ота-онларидан бири шоирона айтган гаплар ҳамон эсимдан чиқмайди. Ҳабиб Муҳаммадовичнинг хузуридан темир қанот боғлаб чиққан ўша дақиқадан бошлаб шу кунгача имконинг етгунча эл юкнининг бир учини, балки у бир заррадир, елкамга беминнат олиб келялман. Баҳоли қудрат юртга хизмат қилялман. Ҳозир мана, тўқсон ёшимда ҳам китоб ўқийман, китоб ёзаман, нодир китобларни излайман, бор имкониятимни яхши китоблар чиқаришга қаратаман. Китобга муҳаббат менга ажойиб инсон Обид Акрамхўжаевдан оққан!

Хўш, Зокиржон Машрабовни ўнлаб улуг алломаларимизнинг нурили изларини, китобу қўлэмаларини ахтариб, сўнги манзилларини тавоф айлаб, обод қилиб, Ер сайёрасининг тенг ярмини айланиб чиқишга даъват қилган нима? Бу юртга бўлган меҳру муҳаббат, унинг буюклигига бўлган эътиқоддир. Қолаверса, отаси бир марта "Ўзга юртда подшоҳ бўлгунча ўз юртингда гадо бўлган яхши экан. Бобурдай шоир қаерда бор? Ҳукмдор бўлгани, яъни темирўйлар сулоласини яна уч аср да-

вом қилдиргани унинг айбими? Чўлпонни отсалар, Бобурни таққиласалар, қандай замон бўлди бу?" деб на-домат чеккан эди. Қолаверса, академик Иброҳим Мўминов Андижонга келганида "Ун улуг алломамиз бўлса тўққизининча хоки юртдан олмасда ётибди. Қаерга қарасанг, Калинин билан Куйбашевининг ҳайкали. Наҳотки Бобур Мирзонино киндик қони томаган тупроққа унга бир ҳайкал ўртана олмасак!" деган эди. Шу-шу Зокиржон Машрабов Андижонда Бобур ҳайкалининг ўрнатиш иштиғи билан ёнди. Вилоят пахта тайёрлаш трести бошқарувчиси бўлганда бунга молиявий манбалар ҳам бор эди. Аммо онаси "Болам! Шу ишининг менга ёқмайпти. Отанг оқ пахтадан йи-роқ бўлиш керак, дер эди. Кўнглим тинч эмас!" дейишдан тўхтамади. Охири Андижон шаҳар ижроия қўмитаси раиси лавозимига чорлашганида рози бўлди. Онанинг кўнгли бир нарсани сезган экан: тез орада "Пахта иши" очилди, қорақалпоғистонлик дўсти Отаулло Худойбергандон, хоразмлик ҳаммаси Ко-милжон Аевоз хибса олинди. Ўзбекистон Пахта тозалаш саноати вазири, асли андижонлик Ваҳобжон Усмонов отилди. Зокиржон ака Отаулло ва Ко-мил Авазининг изидан Москвага борди, далда берди. Аммо уллар қўп азоб кўрдилар. Бу ҳақда Комил Аваз "Қўналға"

тамхўжаев, А.Мадраимов, С.Олим, Э.Очилов, Қ.Эргашев, О.Жўрабоев, В.Раҳмон, К.Муллахўжаева, Б.Ражабова ва бошқалар баракали ширини урдаладилар. Хорижлик олимлардан япониялик Эйжи Мано, хиндистонлик Қамар Райис, туркиялик Билал Южел, озарбайжонлик Алмас Улви, афғонистонлик Абдулла Руийн, россиялик Анна Диббо, америкалик Уилер Текстон ва бошқалар ҳам бобуршуносликда янги кўриқлар очмоқдалар.

Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги буюк Бобур меросини ўрганиш учун дарвозаларни янада кенг очди. Хусусан, Андижонда очеркчилик қаҳрамони Зокиржон Машрабов раҳнаомлигида таъсис этилган ва тўлақонли фаолият олиб бораётган Бобур номидagi халқаро жамоат фонди кенг қамровли ҳаракатнинг чинакам қарвонбошига айналди. Фонд фаолияти давлатимиз раҳбари томонидан изчил қўллаб-қувватланмоқда.

3.Машрабов раҳнаомлигидаги халқаро илмий экспедиция ўтган давр ичида жаҳоннинг 30 га яқин мамлакатларига сафарлар уюштириб, шох ва шоир ҳаёти, ижоди, адабий мероси билан боғлиқ мислсиз ишларни урдалади. 400 миң километрдан ортиқ йўл босилди. Сафарлар чоғида нафақат Бобур Мирзо, балки она заминимизнинг фахру ифтихорига айланган Хоразмий, Фарғоний, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Деҳлавий, Лутфий, Жомий, Навоий, Бехзод, Али Қўшчи, Хондамир, Машраб, Мирзо Хайдар ва бошқа буюк зотларнинг илмий, адабий мероси изланди, сўнги манзиллари зйрат қилинди, имкони борлари таъмирланди.

Илмий экспедиция ўз сафарларидан юзлаб ноёб қўлэмалар, нодир китоблар, бетакор осори атикалар билан қайтди. Халқаро фонд Захириддин Муҳаммад Бобур ва бобурийларга оид кенг қўламли ноширлик ишларини бажармоқда. "Бобур энциклопедияси" чоп этилиб, унинг тўлдирилган иккинчи ва учинчи нашрлари қайта босилди. РФ академияси академиги А.Диббо ва атоқли олим Ш.Рустамхўжаев саяё-харакатлари билан "Бобур ва бобурийлар" библиографияси нашрдан чиқди. Фонд раҳбарияти Захириддин Муҳаммад Бобурнинг "Бобурнома", "Мубай-ийн", Мирзо Хайдарнинг "Тарихи Рашидий", ўз адабларимиз ва хорижлик муаллифларнинг ўттиздан ортиқ янги асарлари, романлари, монографияларининг чоп этилишига ҳомийлик қилди. "Бобур ва дунё" журнали таъсис этилди. Унинг муштарийлари сони ой сайин ошиб бормоқда. Электрон нашрларда ҳам Бобур ва бобурийлар ҳақида ўнлаб асарлар, юзлаб мақолалар берилмоқда. Жаҳон донишмандларидан бири деб ҳисобланган буюк шоир ва бекиёс олим ме-

диий асарлар, фильмлар яратилмоқда. Буюк аллома оламдан ўратиндан 949 йил кейин, яъни 1997 йилнинг 17 декабрида истиқлол шарофати билан Ғазнадаги қабридан алломанинг рамзий ҳоки Бобур номидаги халқаро жамоат фонди ва Зокиржон Машрабовнинг жасоратли заҳматлари орқали хориждан қомусий аллома туғилган шаҳри Кот тупроғига келтирилди. Жамоатчилик фикри ҳисобга олиниб, туманда "Беруний авлодлари" жамғармаси тузилди. Абу Райхон Беруний илмий меросини тарғиб этиш, алломанинг номини улуғлаш борасида ибратли хизматлари эвазига академик Азиз Қайюмов ва таниқли қадимшунос, Ўзбекистон Қаҳрамони Ғайратдин Хўҷаниёзов билан бирга Зокиржон Машрабов жамғарманинг олтин медали билан мукофотланди. Эндиликда Абу Райхон Берунийнинг киндик қони томган жойдаги музей-мажмуасини замонавий лойиҳа асосида барпо этиш ишлари бошланмоқда. Шу билан бирга, у ерда халқаро Абу Райхон Беруний илмий маркази тузилса, "Абу Райхон Беруний" энциклопедияси чоп этилса, аллома асарлари кўп минглик адабда, янги имлода нашр этилиб, барча олим ва ўрта махсус ўқув юртли, мактаб-китобхона, кенг китобхона оммасига тарқатилса, нур устига аъло нур бўлур эди. Бу ишларда 357 гектарлик чин муъжиза Боғи Бобурни бунёд этган, ажойиб ишларга бош-қош бўлаётган Зокиржон ака Машрабов яқиндан қўлқанот бўлиши ишонамиз. Яқинда у "Келинг, тез кунлар ичида Қорақалпоғистонда "Беруний ва Бобур" илмий анжуманини ўтказайлик!" деди. Фидойи инсон доимо янги гоёлар билан яшайди. Фонд ташкил этилганга 30 йил, атоқли жамоат арбоби таваллудига 90 йил тўлмоқда. Бу ҳақда ўйлар эканман, россиялик оддий бир китобхон, адабиёт ва тарих фанлари мухлиси Татьяна Петровна 2020 йилнинг 28 февраль куни кечқурун Москвадан менга кўнғироқ қилиб айтган ушбу сўзлари ёдимга тушди:

— Тарихчи дугонам мен эрталаб Никитский хибонига, давлат Шарқ музейига бошлаб борди. М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Осие ва Африка мамлакатлари тарихи институти ташкил этган илмий анжуман шох ва шоир Захириддин Муҳаммад Бобур илмий меросига бағишланган экан. Анжуманда олимлардан ташқари Ўзбекистон ва Афғонистон Республикаларининг Россия Федерациясидаги Факултада ва Мухтор элчилари ҳам бор эди. Олимларнинг маърузаларини тингладим. Улар орасида сизлардаги Бобур фонднинг раҳбари З.Машрабов деган кишининг сўзларини эшитдим. Фикрларини қисқа, лунда ифодалар экан. У кишининг маърузаси пайти дугонам ўз илмий макроласидаги "Буюк Ўғуллар империяси" деган сўзни кўз ўнгимда "Буюк Бобурийлар империяси" деб ўзгартирди. "Нева бундай қилдиз?" десам, "Аллақачон бу ишни қилишимиз керак эди. Ўзбекистонликлар бизларнинг алломаларимизга чуқур ҳурмат билан қарайди!" деб менга бир матн узатди. Матн анжуманда сўзга чиққан филология фанлари доктори, профессор Ҳ.Болтабоевниқли бўлиб, улуг олимимиз Н.Добролюбовнинг Бобур ва бобурийлар ҳақидаги асарларини таҳлил қилган экан. Жаноб З.Машрабовнинг маърузаси менда катта таассурот қолдирди. Ул зотни кўрсангиз, айтинг, бундай одамлар юз йилда бир марта туғулади ва улар, албатта, юз йил умр кўришлари керак!"


Зокиржон аканинг Москвадаги бобуршунослик анжуманида ёрқин нутқ сўзлагани рости. Осие ва Африка мамлакатлари институти директори И.Абдулғозиев бу анжуманини бебаҳо ва бетакор деб атабди. Энди бизга замонамизнинг зарбардаст инсон Зокиржон Машрабовга Аллоҳдан янада узоқроқ умр, 30 йиллиги нишонланаётган фондимиз ишига ривож тилаш қолди, холос!



зариясига оид "Аруз" асарлари, Хожа Аҳрорнинг "Рисолаи волидий" асари таржимаси ва бошқа қатор ноёб битиклари наинки ўзбек мумтоз адабиёти, академик фани, балки жаҳон бадииятининг юксак намуналари сифатида тан олинмоқда.

Захириддин Муҳаммад Бобур лирикаси, "Бобурнома" ва унинг бошқа асарларини ўрганишда йигирманчи аср ўзбек адабиётшунослиги муҳим қадамлар қўйди. Шу ўринда буюк шоир, улуг адиб, атоқли олимнинг тоғмас тадқиқотчи-ларидан П.Шамсиев, В.Абдуллаев, В.Зоҳидов, Ойбек, Ф.Ғуллом, М.Шайх-зода, А.Қайюмов, С.Азимжонов, С.Ғаниева, С.Ҳасанов, С.Жалилов, Ҳ.Болтабоев, Ҳ.Қудратуллаев, З.Машрабов, Р.Шамсуддин, С.Шокаримов, Ш.Рус-

росини янада кўпроқ одамлар ўқимоқда. Зокиржон Машрабов Абу Райхон Беруний илмий меросининг ҳам тоғмас тарғиботчиси. Берунийнинг у пайтлари географияда унча маълум бўлмаган шимолий ўлкалар, Болтиқ ва Оқ денгиз, Сибирь, Хитой ва Тибетга тута-туш ўлкаларни тўла ва аниқ тасвирлагани, Птолемеяга қарама-қарши Атлантика ва Ҳинд океанларининг жанубий томони бир-бирига туташганлигини исботлаб берганига қойил қолмасликнинг иложи йўқ. Истиқлол Берунийнинг бий илмий меросини Ўзбекистон ва хорижда чуқур ўрганишга кенг йўл очиб берди. Унинг асарлари лотин, француз, италян, немис, инглиз, форс, турк ва бошқа тилларга таржима қилинмоқда. Ҳаёти ва ижоди тўғрисида ба-



Қирқ йил қирғинбарот бўлса ҳам Азроил фақат пешонасига ажал муҳри босилган банданин жонини олди. Утган аср бошидаги Андижон зилзиласи чоғида 4602 одам ҳалок бўлди, маҳаллий аҳолининг 11 миң қулбаси, чор маъмурларининг 161 биноси вайронга айланди. Оврупо меъморчилиги намуналаридан атиги уч бино — черков, турма ва банк бешикаст қолди. Омади

тет ташкил этилганида буюк жадид Мунаввар қори Абдурашидхонов биринчи ректор бўлган эди. Зокиржон таҳсил олган йилларда дорилфунунни атоқли олимлардан Теша Зоҳидов ва Тошмуҳаммад Саримсоқовлар бошқарди. Ёш толиб геология, геофизика, литология асосларини кунт билан ўрганди. Талабалик давридаёқ улкан олимлар, шу жумладан, атоқли олим Олег Александрович Рижковнинг назарига тушди.

Бош муҳаррир: Ислом ХАМРОЕВ

Таҳрир хайъати:

- Баҳром АБДУҲАЛИМОВ
- Наримон УМАРОВ
- Муҳаммад АЛИ
- Гавҳар АЛИМОВА
- Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА
- Қодир ЖЎРАЕВ

- Зухра ИБРАГИМОВА
- Тошпўлат МАТИБАЕВ
- Тальят МУРОДОВ
- Абдуқамол РАҲМОНОВ
- Умиджон СУЛАЙМОНОВ
- Собир ТУРСУНОВ
- Шухрат ЯКУБОВ

Бўлимлар:

- Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 71 288-46-54 (149); 71 288-42-14 (144);
- Котибият — 71 288-42-12 (132);
- Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — 71 288-42-12 (141) факс;
- Қабулхона — 71 288-42-14 (132); 90 900-72-15
- Реклама бўлими —

Маъсул котиб — Абдугани Соликов
Навбатчи муҳаррир — Саодат Раҳимова

Таҳририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани «Шарқ тоғи» кўчаси, 23-уй.

1995 йил 22 февралдан чика бошланган

info@adolatgz.uz
adolatgz-95@mail.ru



1 2 3 4 5 6

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми — 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г — 700

Адади — 1484
Босишга топширилган вақти — 21.00
Босишга топширилди — 22.00

Баҳоис келишилган нархда
Таҳририятга келган қўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
«Шарқ» НМАК босмаҳонасида чоп этилди.
Қорхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

ADOLAT
SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

Муассис:
«Адолат» СДП
Сийёсий Кенгаши